БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 109 (17.689). • 13 май 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ДОЛЗАРБ ПАЛЛАСИ

ДЕҲҚОН МЕҲРИ ҒЎЗАДА

Беш миллион саккиз юз эллик минг тонна.

Якунловчи йилда бунёд этиладиган «оқ олтин» хирмони қалбларда янги эҳтиросларни, ғайрат-шижоатлар уйғотяпти, довонлардан ошишга, пешона тери тўкишга, резервларни тўла ҳаракатга келтиришга чорлаяпти. Пахтакорларимиз шу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қиляпти. Республикамизда белгиланган майдонларга қисқа фурсатларда чигит экиб бўлишиш уларнинг сиёсий етукликларини, ҳосил тақдири учун масъулият сезишларини, фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларни ҳаётга дадил жорий этишга қодир эканликларини кўрсатувчи далилдир. Табиат ўжарликлари риёзатини кўпроқ чеккан Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро областлари пахтакорларининг меҳнатлари таҳсига лойиқдир.

Қишлоқ меҳнатчилари пахта илмини аъло даражада билиб олдилар, янгиликлар, прогрессив усуллар, ҳосилдорликни ошириш омилларига ихлосманд бўлиб қолдилар. Улар вазиятни тўла пайқайдилар, ҳаётий муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга чора-тадбир топадилар, пахтачиликнинг ҳар бир звеносидаги тугунни ечишнинг уддасидан чиқадилар, ҳосил меҳнат билан бунёдга келтириладиган бўлса, меҳнатдан қочмайдилар, кечаги рекордни бугун нормага айлантириш, эртага янги чўққиларга кўтариш учун курашадилар.

Қумқўрғон районида ўн кунда ҳамма майдонларга чигит экилди, ниҳоллар бир текис ундириб олинди, биринчи комплекс парваришш тугалланиб, иккинчиси қизғин давом эттирилянти. Деҳқон меҳри, қуёш нури, техника мадади, ўғитлар самарасидан баҳраманд бўлаётган ғўзалар дуркун ўсяпти, 53 минг тонналик пахтадан нишона берянти. Ялпи ҳосилнинг 30 минг тоннасини нигичка толали пахта ташкил этади. Район партия ва совет ташкилотлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш чораларини кўрянти. Чопиқ тракторлари сони кўпайтирилиб, 210 тага етказилди. 8300 киши ғўза парваришида қатнашяпти. Агротехниканинг культивация, чопиқ, озиқлантириш ва бошқа тадбирлари бир-бирига уйғунлаштириб олиб борилянти. Бўка, Ғалаба, Ильич, Ўзбекистон, Ромитан районларида ҳам ғўза парваришш жадал ва сифатли ўтказилянти. Юқори ҳосилни қатор колхозларнинг пахта майдонларини сел олишига қарамай, Пахтачи районининг меҳнаткашлари 45 центнерлик ҳосилни кўзлаб иш тутмоқдалар.

Қийинчиликлар ўз-ўзидан чекинмайди, ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Бунда меҳнат ва техника қудрати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ғўза парваришида пешқадамлик қилаётган районлар муваффақиятининг сири шундаки, партия комитетлари ва партия ташкилотлари қийинчиликлар нолиш, моддий-техника ёрдами сўраш билан чекинмаслигини, уни ақл-заковат, тадбиркорлик билан бартараф этиш зарурлигини меҳнат аҳли онгига сингдиряпти, интизомни мустаҳкамлаб, уюшқоқликни кучайтириб, дала меҳнатчиларининг ўз бой имкониятларини намойиш этишлари, бир кунда бир ярим-икки кунлик графикка тенг иш бажаришларига қулай шароитлар яратиб берянти, коммунистларнинг ибрат намунасини ҳамманинг мулкига айлантирянти.

Пахтачиликда, хусусан ниҳоллар расталанаётган шу кунларда беғамлик, бепарволик, ўзибўларчиликка сира йўл қўйиб бўлмайди. Бугун янглишиш, ҳисобдан адашиш кейинчалик жуда қимматга тушиши мумкин. Чигит экиш тугаллангани билан ҳали гектарлар тўла, кўчатлар сони бут эмас, қаторлар, уялар ола, ниҳоллар сийрак пайкаллар кўп. Бу муҳим вазифаларни зудлик билан ҳал этмай туриб, пахтадан юқори ҳосил етиштириб бўладими? Афсуски, Жалолқудуқ, Шовот, Чимбой, Оқдарё, Мирзачўл, Охунбобоев районлари, қатор колхозлар ва совхозларда бу борада йўл қўйилган камчиликлар оператив тарзда тузатилмаяпти, ўтган йилги нуқсонлар айнан такрорланяпти. Ҳосил тақдирини ҳал этувчи юқоридаги омилларни инкор этишга, ундан четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!

Ҳарорат кўтарилиши оқибатида ердан нам қочяпти, ёғингарчиликлар қатқалоқ пайдо қиляпти, гербицид сепишга қарамай, бегона ўтлар ўсиб чиқяпти, ҳашаротлар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўпайиши хавфи туғиляпти. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада ўсимликнинг ўсиб, ривожланишни кечиктиришга, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Бу салбий факторларни туғатиш керак. Бунинг учун сифатли культивация, кетмон чопиғи ўтказиш, ниҳолларни минерал ва органик ўғитлар қоришмаси билан тезроқ ва мўлроқ озиқлантириш, агротехниканинг бошқа тадбирларини ҳам зудлик билан амалга ошириш талаб этилади.

Партия ташкилотлари дала меҳнатчиларини ўртоқлик, ўзаро ҳурмат, топширилган иш учун қатъий масъулият, холисона партиявий талабчанлик руҳида тарбиялашлари, коллегиал-бамаслаҳат иш кўришни кенг йўлга қўйишлари лозим. Чидам, сабот-матонат, қатъият билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, хилма-хил техника воситаларини тўла қувват билан ишлатиб, ғўза парваришидаги қолоқликни туғатишга муносиб ҳисса қўшайлик!

Пахтачиликда ҳар дақиқанинг ўз жасорати туғилади, пахтакорлар келгусида юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларни енгишга асқотадиган тажриба тўплайди. Тўла гектарлар ҳосил қилиш, кўчатлар сонини бутлаб олиш, бегона ўтларни ялдиз билан йўқотиш, яганани тез ва соз ўтказиш ўзига хос жасоратдир. Бу жасорат дақиқа сайин кучайтирилмоғи лозим.

Афсуски, айрим хўжаликларда шундай қилинмаяпти. Колхозчилар, совхоз ишчиларининг талай қисми ғўза парваришида қатнашмаяпти, чопиқ тракторлари тўла ишга туширилмаяпти, графиклар бажарилмаяпти, сифатга етарли эътибор берилмаяпти, сифат комиссияларининг фаолияти кучайтирилмаяпти. Ниҳоллар ола чиққан картларга чигит суви бериш, қўшимча чигит экиш, кўчатлар ўтқазиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарур юмушдир. Бунинг учун бирор киши, бирорта техника воситаси ғўза парваришидан четда турмаслиги, социалистик мусобақа кучайтирилиши, коммунистлар шахсий ибрати билан дала меҳнатчиларини янги муваффақиятларга чорлашлари даркор. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳадемай пилла қурти оммавий равишда катта даҳага киради, ишчи кучларининг бир қисми бу муҳим тармоқ билан банд бўлади. Шунга қадар парваришни кучайтириш йўли билан ҳамма жойда ғўзаларни щоналатиб ва ғуллатиб олишга эришайлик!

Хўжаликларнинг раҳбарлари дала меҳнатчиларининг унумли ишлашлари учун ҳамма маданий-маиший шароитларни яратиб беришга даъват этилганлар.

Ғўза парваришини бутун чоралар билан кучайтирайлик!

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР

✦ Ёғингарчиликлар оқибатида катта майдонларда қатқалоқ юзага келди. Қатқалоқ тупроқ қатламига ҳаво, қуёш нури, ёруғлиқнинг сингишига йўл қўймайди, ёш ниҳолларнинг ўсиб, ривожланишини сусайтиради, кўчатлар сонини камайтириб юборади. Бутун куч, техника воситаларини ишга солиб, қатқалоқни зудлик билан йўқотайлик!

✦ Чуқур, кенг ва сифатли ўтказилган культивация тупроқнинг майин ҳолда сақланишини таъминлайди, ниҳолларнинг дуркун ўсишига қулайлик яратади, бегона ўтларни йўқотади. Культивация билан бирга қатор ораларига минерал ва органик ўғитлар солайлик, ниҳолларнинг текис кўкаришига эришайлик, бирор қатор, бирор уяда белгиланганидан кам кўчат бўлмасин! Чопиқ тракторларини икки сменада тўла қувват билан ишлатайлик!

✦ Бегона ўтларни йўқотайлик, яганани кучайтирайлик, ниҳол ола чиққан қаторлар, уяларга қўшимча уруг қадайлик, кўчат ўтқазайлик! Ҳамма жойда кетмон чопиғини авж олдирайлик! Еш ниҳолларнинг тезроқ амал олиши учун нималар зарур бўлса, ҳаммасини муҳайё қилайлик!

ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИРИЛА БОШЛАНДИ

ТЕРМИЗ, 12 май. (ЎзТАГ). Бугун Термиз районидаги Жданов номли колхоздан қабул пунктига бир ярим тоннага яқин юқори сифатли пилла етказиб берилди. Биринчи бўлиб давлатга пилла топширган тажрибали звено бошлиқлари орасида Майрам Тўхтабоева, Зубайда Чоршанбиева, Болта Мусаевлар бор. Улар ўн йилдан ортиқ вақтдан бери ипак қурти парвариш қилмоқдалар ва муттасил мўл пилла етиштирмоқдалар. Бу йил илғор пиллачилар ҳар қути қурт уругидан 120—130 килограммдан пилла олиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Райондаги «Намуна» колхозида, қўшни районларнинг бир қанча хўжаликларида пилла териш ва уни давлатга топширишга киришилди.



ҚҚАССР. Нукусда ихтисослаштирилган завод қурилмоқда. У битгач Қорақалпоғистон Автоном республикасига четдан оҳак келтиришга чек қўйилади. Шу кунларда корхона қурилишида сўнгги монтаж ишлари бажарилмоқда. Завод ҳар йили 65 минг тонна қиматбаҳо бинокорлик материали ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Суратларда: (юқоридан). 1. Қурилишда намуна кўрсатиб ишлаётган илғор пайвандчи Н. Беловецкий. 2. Оҳак қуйдириш печлари кўриниши.

А. Лихварь фотолари (ЎзТАГ).

КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Қувасой цемент комбинатида корхонани реконструкция қилиш плани бўйича қурилган шифер ишлаб чиқариш комплекси маҳсулот бера бошлади. Бу ердаги ҳамма жараёнлар автоматлаштирилган ёки механизациялаштирилган. Ясси шифер пресс плита-девор панелларини монтаж қилишга ҳамда ғовлар, шиплар, ҳар қандай бино деворини қоплашга яроқли универсал бинокорлик материали сифатида хизмат қилади. Бу маҳсулот арзон, пишиқ ва оддий бўлганлиги учун қишлоқ қурилишларида кенг қўламда ишлатилади.

Ишлатувчилар коллективи цех қувватини муддатидан илгари ўзлаштириб, бу йил уч миллионтадан кўп шартли ясси шифер плита ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Бу орада томбоп шифер ишлаб чиқарадиган линияларни монтаж қилиш ҳам давом этмоқда. Шу линиялар тўртинчи кварталдаёқ маҳсулот бериши керак. Ўшанда шифер маҳсулотлари икки баравар кўпаяди.

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ

Республика областларида шоли экишнинг бориши тўғрисида шу йил 12 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

СУРХОНДАРЁ	—	**100,0**
НАМАНГАН	—	**100,0**
Тошкент	**7,8**	**96,9**
Сирдарё	**0,2**	**94,6**
Хоразм	**4,4**	**68,6**
Андижон	—	**35,4**
ҚҚАССР	**3,5**	**34,6**
Республика бўйича	**3,5**	**54,1**

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ёрлаш юзасидан ўтказилган 1980 йил 1 майгача бўлган ижтимоий-социалистик мусобақанинг якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— **Самарқанд области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Раҳимов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳамроқулов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Номозов). Бу область апрель ойида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда энг кўп ўсишга эришишни таъминлаган ва ғўшт тайёрлаш ярим йиллик ҳажмини 78,3 процент, сут тайёрлашни 62,3 процент, тухум тайёрлашни 78,3 процент бажарган, бу эса ўтган йилдагидан анча кўпдир. Байроқ Қорақалпоғистон АССРдан олиб берилади.

— **Қашқадарё областининг Қарши райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Очилов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сахатов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қаршиев). Бу район апрель ойида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда энг кўп ўсишга эришишни таъминлаган ва ғўшт тайёрлаш ярим йиллик ҳажмини 164 процент, сут тайёрлашни 86,4 процент, тухум тайёрлашни 124 процент бажарган. Байроқ Тошкент областининг Бўка районидан олиб берилади;

— **Қорақалпоғистон АССРнинг Элликқалъа райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Примов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хўжаниёзов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нурумбетов). Бу район апрель ойида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда энг кўп ўсишга эришишни таъминлаган ва ғўшт тайёрлаш ярим йиллик ҳажмини 103 процент, сут тайёрлашни 83,3 процент, тухум тайёрлашни 121 процент бажарган. Байроқ Хоразм областининг Хива районидан олиб берилади;

— **Андижон область, Ленин районидаги «Правда Востока» колхози** (правление раиси ўртоқ Турсунов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Холдоров). Бу колхоз давлатга ғўшт сотиш ярим йиллик ҳажмини 92,4 процент, сут сотишни 88,8 процент, тухум сотишни 117 процент бажарган. Байроқ шу областнинг Олтинкўл районидаги Тельман номли колхозидан олиб берилади.

— **Фарғона область, Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхози** (правление раиси ўртоқ Эгамбердиев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Нурматов). Бу колхоз давлатга ғўшт сотиш йиллик ҳажмини 161 процент, сут сотиш ярим йиллик ҳажмини 85,1 процент, тухум сотишни 121,2 процент бажарган. Байроқ Сирдарё область, Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхозидан олиб берилади;

— **Бухоро область, Ромитан районидаги Нарманов номли колхоз** (правление раиси ўртоқ Ҳасанов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроева). Бу колхоз давлатга ғўшт сотиш йиллик ҳажмини 105 процент, давлатга сут сотиш ярим йиллик ҳажмини 84,8 процент, тухум сотишни 144 процент бажарган. Байроқ шу областнинг Қоракўл районидаги «Искра» колхозидан олиб берилади;

— **Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги М. Горький номли совхоз** (совхоз директори ўртоқ Давлетқиличев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Сафаров, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Ражабов). Бу совхоз апрель ойида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда энг кўп ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга ғўшт топшириш ярим йиллик ҳажмини 134 процент, сут топширишни 75 процент, тухум топширишни 124 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё область, Ғишон районидаги У. Юсупов номли совхозидан олиб берилади;

— **Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ бўрдоқичилик пункти** (пункт директори ўртоқ Шапенов, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Тошимбетов). Бу бўрдоқичилик пункти ғўшт етиштириш ва давлатга топшириш тўрт ойлик планини 158 процент, шу жумладан апрель ойида ғўшт етиштириш ва давлатга топшириш планини 126 процент бажарган. Байроқ Наманган область, Поп районидаги Ленин номли бирлашмадан олиб берилади;

— **Хоразм областидаги Урганч парандачилик фабрикаси** (директори ўртоқ Матёқубов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Маҳмудов, фабрика комитетининг раиси ўртоқ Нурметов). Бу фабрика ғўшт топшириш ярим йиллик планини 82,7 процент, тухум топширишни 76,6 процент, шу жумладан апрель ойида ғўшт топширишни 159,7 процент, тухум топширишни 108,9 процент бажарган. Байроқ Самарқанд парандачилик фабрикасидан олиб берилади;

— **Наманган областининг Янгиқўрғон районидаги «Узплодоовощвинпром»га қарашли «Победа» совхози** (директори ўртоқ Болтабоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдураҳмонов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Муҳаррамов). Бу совхоз чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда энг кўп ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга ғўшт топшириш ярим йиллик планини 131 процент, сут топширишни 147 процент, тухум топширишни 132 процент бажарган. Байроқ Тошкент область Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан олиб берилади;

— **Жиззах областининг Мирзачўл районидаги «Главсредазирсовхозстройга қарашли «Советская Россия» совхози** (директори ўртоқ Абдурақмонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хадиркулов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Алимхонов). Бу совхоз апрель ойида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда энг кўп ўсишга эришишни таъминлаган ва ғўшт топшириш ярим йиллик ҳажмини 91,8 процент, сут топширишни 78,8 процент бажарган. Байроқ Қорақалпоғистон АССР Тахтакўпир районидаги Фрунзе номли совхоздан олиб берилади;

— **Ўзбекистон ССР Балиқчилик хўжалиги давлат комитетига қарашли Сирдарё балиқчилик хўжалиги** (директори ўртоқ Дроздов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Алимова, маҳаллий комитетининг раиси ўртоқ Ажимуллаев). Бу хўжалик балиқ овлаш планини 224 процент, балиқ маҳсулотлари етказиб бериш планини 170 процент, фойда олиш планини 107,6 процент бажарган. Байроқ Жиззах балиқ комбинатидан олиб берилади;

— **Жиззах областидаги «Пахтакор район матлубот жамиятининг молларни сўқимга боқиш хўжалиги** (район матлубот жамиятининг раиси ўртоқ Йўлдошев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Раззоқов, маҳаллий комитетининг раиси ўртоқ Зиёев, молларни сўқимга боқиш хўжалигининг директори ўртоқ Оллаев). Бу матлубот жамияти ғўшт етиштириш планини 154,8 процент, молларнинг этига эт қўшиш планини 106,5 процент бажарган, қорамолнинг бир суткада 800 грамм семиришини таъминлаган. Байроқ Фарғона областидаги Охунбобоев район матлубот жамиятидан олиб берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. ШЕРМУҲАМЕДОВга ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фалсафа фанларини ривожлантиришдаги хизматлари, республика халқ маорифига катта ҳисса қўшганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР маориф министри ўртоқ **Саид Шермуҳамедовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил 12 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада коммунал хўжалик объектларини қуриш соҳасидаги хизматлари ва меҳнатда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигининг «Узремстройтрест» бошқарувчиси Эргаш **Иброҳимов** ва Тошкент шаҳар ижроия комитети бош ободонлаштириш бошқармасининг ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трестига қарашли 1-ремонт-қурилиш бошқармасининг асфальт ётқизувчиси Туроб **Қодиров** ўртоқларга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор** фахрий унвони берди.

КУБА ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ГАВАНА, 12 май. (ТАСС). 10 май куни Куба соҳилларидан тахминан 20 миль шимолда рўй берган ҳодиса муносабати билан Куба ҳукумати баёнот берди.

Соат 17 да, дейилади баёнотда, Кубанинг 165-балиқчи кемаси қароқчи кема ҳужумига учраб шикаст топгаблиги радио орқали хабар қилинди. Куба самолётлари ўша қароқчи кемани қидириб топди, у 165-балиқчи кемани, шунингдек, Кубанинг яна бир кемасини шатакка олиб тортиб борарди. Шунда самолётлар қароқчи кемага тўхташ тўғрисида сигнал бердилар, аммо кема бу огоҳлантиришни назар-писанд қилмади. Шундан кейин ўт очилди ва қароқчи кема ғарқ бўлди.

165 кема Багам оролларига составига кирувчи Раггед ороли яқинида топилди. Экипажсиз бошқа бир кема денгизда кўринди. Ҳужум қилган кеманинг экипажи ёки экипажининг бир қисми босиб олинган балиқчи кемалардан бирида қуроқликка етиб олган бўлса керак, деб таъкидланади баёнотда. Кубанинг икки балиқчи кемасидаги саккиз нафар балиқчининг қисмати тўғрисида маълумотлар йўқ.

11 май куни Куба Ташқи ишлар министрлиги Багам ороллари ҳукуматига нота юбориб, рўй берган воқеа тўғрисида уни муфассал хабардор қилди ва балиқчи кемаларнинг экипажи қаердалигини аниқлаб уларни озод қилиши ва қайтариб бериши, шунингдек, бу ҳодисанинг айбдорларини ушлаб судга беришни сўради. Кейинчалик чет эл матбуотининг баъзи органларида Куба самолётлари Багам оролларининг соҳчи кемасини ғарқ қилганлиги тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. Агар шу хабар ҳақиқатга тўғри келса, у ҳолда Куба авиацияси ғарқ қилган, экипажи Кубанинг балиқчиларига қарата ўт очиб уларни ушлаб олган кема тўғрисида гап бориши мумкин. Буларнинг ҳаммаси шу районда бир неча бор юз берган қароқчилик ҳужумларига ўхшаб кетади. Багам оролларининг сохтавига кирувчи кичик-кичик оролларидан иборат бутун шу райондан мамлакатимизнинг душманлари Кубанинг кемаларига ва бизнинг қирғоқларимизга қароқчилик ҳужумлари қилиш учун кенг қўламда фойдаланяптилар. Куба учувчилари бу кема Багам оролларининг соҳчи кемаси эканлигига сира ишонч ҳосил қила олмадилар ва уни фақат қароқчи кема бўлиши керак, деб ҳисобладилар.

Агар шу кема дарҳақиқат соҳчи кема бўлганида нима учун у халқаро сувда, бизнинг қирғоқларимиздан атиги 20 миль нарида Куба балиқчиларига ўт очганлигини тушунтириб бериш лозим эди.

Ғарқ этилган кема дарҳақиқат соҳчи кема бўлиб, Багам оролларига қарашли бўлса, дейилади баёнотнинг пировардида, рўй берган воқеа хусусида самимий таассуф билдирамиз, зеро ҳукуматимизнинг мақсади шу қўшни мамлакат билан доимо дўстлик муносабатлари ва ўзаро ҳурмат эҳтиромни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИК ЭКРАНИ

Ўзбекистон пойтахти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларини олтинчи марта кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Уч қитъа тараққийпарвар экран усталари ютуқларининг ана шу анъанавий кўриги 20 майдан 30 майгача ўтказилади. 12 май куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида кинофестиваль программаси тўғрисида хабар қилинди.

73 давлат кинематографиячилари, шунингдек БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин озодлик ташкилоти ва Чили ватанпарвар кучлари ҳозирдаёқ кино кўрикда қатнашиш истагини билдирдилар. Социалистик мамлакатлар кинематографиячилари, шунингдек Австрия, Буюк Британия, Дания, АҚШ, Франция, ГФР ва бошқа давлатларнинг кино арбоблари Тошкентга боришга шай эканликларини билдирдилар. Ўрта Осиё, Закавказье республикалари, Қозоғистон, Россия Федерациясининг Осиё қисми экран усталари фестивалда Совет Иттифоқининг вакиллари сифатида қатнашадилар.

Анъанага кўра, «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» мавзуида ижодий мунозара ўтказиш фестиваль программасига киритилди.

(ТАСС мухбири).

ТАСС АХБОРОТИ

Совет Иттифоқи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 1979 йил 6 октябрда эълон қилганидек, Европа қитъасидаги ҳарбий кескинликни юмшатишга эришиш манфаатларини кўзлаб Марказий Европадаги қўшинларини ўз ташаббуси билан қисқартиришни давом эттирмоқда. Шу йил 12 майдан бошлаб Германия Демократик Республикасидан совет ҳарбий-танк қисмлари ва бўлинмаларининг навбатдаги группаси танклар билан бирга олиб чиқиб кетилади. Мазкур ҳарбий бўлинмалар Совет Иттифоқининг Европа районларида жойлаштирилади.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

Бекобод шаҳар партия комитети 43- ва 99- ҳунар-техника билим юртларида ўқувчиларни меҳнатда ва маънавий тарбиялашнинг аҳволи ҳақидаги масалани қараб чиқди. Қабул қилинган қарорда таъкидланадики, ана шу ҳунар-техника билим юртлари маъмуриятлари, партия ташкилотлари, педагогика коллективлари ўқув-тарбиявий ишни янада яхшилаш, ғоявий, меҳнат ва маънавий тарбия масалаларини комплекс ҳал этиш учун амалий чоралар кўрмоқдалар.

43- ҳунар-техника билим юртида шаҳар саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари учун ёш ишчилар тайёрланади. Ўқувчилар металлургия заводи, цемент комбинати, «Бекабадцементремонт» корхонаси ва «Ўзбекметаллургстрой» трести сингари таянч корхоналарида касб-кор сирларини ўрганадилар. 99- ҳунар-техника билим юртида эса хизмат кўрсатиш ва савдо соҳалари учун кадрлар тайёрланмоқда. Беш йиллиқнинг ўтган тўрт йили мобайнида ҳар иккала билим юртида 3 мингга яқин ишчи кадр тайёрланди. Улар 20 та ҳунарни эгаллаб чиқдилар.

Ўқув юртлари мукаммал таълим-тарбия базасига эга, кабинетлар зарур техника воситалари, кўргазмали ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари ёшларга пухта билим бермоқдалар, уларнинг касб маҳоратини оширмоқдалар.

Маънавий ва меҳнат тарбияси соҳасида, энг аввало, тарих, жамиятшунослик, эстетика, адабиёт сингари ижтимоий фанларни ўқитиш сифатини оширишга, ишлаб чиқариш таълимини ташкил этишни яхшилашга қаратилмоқда. Тарбия ишини янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар партия йиғилишларида, педсовет мажлисларида, ота-оналар ва ўқувчилар билан якка тартибда олиб борилаётган ишлар жараёнида мунтазам қараб чиқилмоқда.

Шунингдек, шаҳар партия комитети қабул қилган қарорда ишдаги камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Чунончи, ўқувчиларни ўзлари эгаллаётган касб-кор бўйича иш жойи билан таъминламаслик, уларни ёрдамчи юмушларни бажаришга жалб этиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Шаҳар партия комитети ўқув юртлари партия ташкилотлари, маъмуриятларига ўқув-тарбиявий ишларни янада яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўришни топширди. Ишлаб чиқариш таълимини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛСИН

Сирдарё область партия комитети Гулистон район партия комитетининг КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги ҳисоботини тинглади. Районда аҳоли турмуш маданиятини ошириш бўйича Совет иш олиб бормоқда. Халқ университетлари, идеологик таъсир кўрсатишнинг барча воситалари фаолияти тобора самаралироқ марказлаштирилмоқда ва ўзаро мувофиқлаштирилмоқда.

Район раҳбар ходимларининг кўпчилиги пропагандистлик, сиёсий-ахборотчилик, лекторлик сингари жамоат топшириқларини тобора фаол бажараётирлар. Социалистик мусобақанинг тарбиявий таъсири кучаймоқда. Коммунистик меҳнат ҳаракати тобора кенгаймоқда. 500 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғори, 21 коллектив ана шу номга сазовор бўлиб, улар ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этдилар.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни жонлантириш борасидаги тадбирлар меҳнаткашлар ижодий активлигини ошириш, иқтисодий кўрсаткичларни тобора яхшилаб бориш имконини бермоқда.

Шу билан бирга район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари пропаганда ва агитациянинг савиясини ошириш, унинг ҳужумкорлик руҳини кучайтириш учун мавжуд воситалардан етарли фойдаланмаётирлар. Совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ҳамда маъмурий ташкилотларнинг бу соҳадаги фаолиятлари суст мувофиқлаштирилмоқда. Қарорлар ва белгиланган тадбирларнинг ижроси етарли назорат қилинмаётир.

Социалистик мусобақани ташкил этиш, маданий-оқартув ва оммавий-спорт ишларини йўлга қўйишда расмиятчилик, ўзибўларчилик ҳоллари ҳануз содир бўлмоқда. Область партия комитети қабул қилган қарорда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини комплекс ҳал этиш борасида район партия комитети, партия ва бошқа жамоат ташкилотлари, маъмурий ва бошқа хўжалик органлари фаолиятини активлаштиришга қаратилган чоралар белгилаб қўйилди.

КОМСОМОЛГА АМАЛИЙ РАҲБАРЛИК

Пешку район партия комитети район комсомол ташкилотига ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда мунтазам амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Райком, бошланғич партия ташкилотлари район комсомоллари меҳнати ва ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб бормоқдалар. Натижада йигит ва қизлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида актив меҳнат қилмоқдалар. 43 комсомол-ёшлар бригадаси пахтачилик ва маккажўхоричиликни ривожлантиришда тобора юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

Районда йигит ва қизлар орасидан мўл ҳосил усталари кўплаб етишиб чиқмоқда. «Ленинизм» колхозидан Н. Раҳимов, «Октябрь» колхозидан Ю. Тўйева ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари, «Москва» колхозининг механик-ҳайдовчиси Н. Остонов, Жданов номли колхоздан С. Чориева, «Ўзбекистон» колхозидан М. Йўлдошева ўртоқлар улкан «оқ олтин» хирмони учун курашнинг олдинги марраси-да бормоқдалар. Район ёш маккажўхорикорлари ўтган йили ҳар гектар ердан ўртача 120 центнердан «кахрабо дон» етиштирдилар. Ёш маккажўхорикорлар мусобақасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати К. Ҳасанова олдинда бораётир.

Пешку район партия комитети комсомол ва ёшларнинг сиёсий ҳамда маънавий камолоти тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда. Бу масалалар район партия комитетининг бюро мажлисларида, партия йиғилишларида муттасил муҳокама қилинмоқда. Жумладан, райком бюросида «Ўзбекистон» колхози партия комитетининг КПСС XXV съезди қарорлари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бир қатор бошланғич партия ташкилотлари комсомол ташкилотлари жанговарлигини ошириш, ишчанлигини кучайтириш, комсомоллар сафини ўстириш, йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш билан боғлиқ масалаларни қараб чиқдилар.

МУРАББИЙЛИК — ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК

УСТОЗ

«...Коллектив аъзолари ўз касби, корхонаси учун фахрланиш руҳида тарбиялансин».

(КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қароридан).

Саида опа сменани тугатиб, ташқарига чиққан эди, қайтароқ остидаги скамейкада йиғламсираб ўтирган жуссаси кичкина қизга кўзи тушди-ю, таққа тўхтади.

— Ҳа, қизим, сени ким хафа қилди?

— Ўзим, шундоқ! — деди қизча ўпкасини тутолмай. Саида опа уни шу алпозда ташлаб кетишни ўзига эп кўрмади. Зарур юмуш билан шошилиб турган бўлса-да, ҳалиги қиз ёнига ўтирди.

— Қани сўзла-чи, ўзи нима гап? Кўзимга иссиқ кўринасан, сени шу ерларда аввал учратгандайман. Йилманма, гапир, балки бирор ёрдамим тегиб қолар. — Опа қизнинг пешонасига тушиб турган қора сочларини тузатган бўлиб, бошини силади. Кўнглига йўл топишга ҳаракат қилди. Қиз онаси тенги бу ҳурматли аёлнинг меҳрибонлигига, дилгирлигига мойдек эриб, бўлган воқеани бир-бир айтиб берди. Маълум бўлишича, у ёшликдан пиллакашлик фабрикасида ишлашни орзу қилиб келган экан. Яқинда уни пилладан уч топиш цехига ёрдамчи ишчи қилиб қабул қилишган. Устози буюрган вазифани эплай олмабди шекилли, дили ранжибди. Ҳатто, орзу қилган касбидан кўнгли совиб, ишдан бўшаб кетишга қарор қилибди.

— Бу ниятингдан қайт, қизим, — деди Саида опа воқеанинг моҳиятини яхши англаб олгач. — Ким онадан уста бўлиб туғилибди, ахир? Олимлар ҳам оз-оздан ўрганиб доно бўлишган. Ҳамма ишда ҳам қийинчилик бор. Дастлаб қийналасан, кейин ўрганиб кетасан, уста бўласан. Ўшанда ҳозирги аҳволингни эслаб, куласан. Ниҳол бир ерда кўкаради, қизим. Фабрикада сену менга ўхшаш бир ярим минг нафар киши меҳнат қилади. Шунча одамни ўз қучоғига олган, вояга етказган, ризқ-рўзи топиб бериб келаётган корхона, ишончим комилки, сени ҳам камолга етказади.

Фабрикага келганимда мен ҳам худди сендек ёш, гўр қизча эдим. Йигирув цехидаги Гавраил Фаттоҳов, Раҳим Шарипов, Зайни Сайфутдинов каби талабчан уста ишчиларга шогирд тушдим. Улардан эринмай касб ўргандим. Хато қилган пайтларимда улар дакки беришса ҳам, фабрикадан кетишни хаёлимга келтирмадим. Устозларнинг қалби денгиздек кенг бўлади одатда. Улар ҳозир дакки берса, бир оз ўтгач меҳрибонлик қилади. Улар ўзлари етиштирган шогирднинг уста бўлиб етишишини, илғор, машҳур бўлишини исташади. Шунинг учун устозлар даккисидан ранжима, аксинча ундан тегишли хулоса чиқаришга ҳаракат қил. Улар ҳеч қачон сенга ёмонликни раво кўрмайдилар...

Саида опа қизнинг қўлидан тутиб ўрнидан турғазди. Цехга ўзи етаклаб борди... Эшикдан ичкарига кириши биланоқ, у ердагилар югуриб, пешвоз чиқишди.

— Цехимизга хуш келибсиз, Саидахон опа, — дейишди улар эҳтиром билан. — Марҳамат қилинг, янги дастгоҳлар ўрнатганмиз.

Саида опа цех бошлиғини четроққа тортиб, алланарсалар ҳақида гапирди-да, кейин ҳалиги ёш ишчи қизни унга топширди.

— Сиздан яхши маслаҳатларингиз учун юз карра миннатдорман, опажон! — хитоб қилди қиз. Ишдан совуган қалбимга қайта чўғ солдингиз. Менга билдирган ишончларингизни, албатта, оқлайман!..

Биз Бухоро пиллакашлик фабрикасининг илғор ишчиси, КПСС XXV съезди делегати Саида Ниёзованинг ҳаётида юз берган турадиган одатдаги воқеалардан бири ҳақида қисқача ҳикоя қилдик, холос. С. Ниёзованинг фабрикага келганига қарийб чорак аср бўляпти. Пиллакашлик касбининг деярли барча сирларини беш қўлдек эгаллаб олган опахон айни кунда нормадагига нисбатан икки баравар кўп пилла йигирув станокларини маҳорат билан бошқариб, смена нормасини 180—200 процентга етказиб адо этаётир. Ҳозир у 1984 йил ҳисобига меҳнат қиляпти, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги кунигача ўн биринчи беш йиллик шахсий топшириғини бажаришга муваффақ бўлди.

Фабрикада коммунист С. Ниёзовани пешқадам ишчи, меҳрибон мураббий, актив рационализатор ва цех агитатори сифатида бутун коллектив яхши билади, иззат-ҳурмат қилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарорики Бухоро пиллакашлик фабрикаси ишчи-хизматчилари ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб, тегишли муҳим тадбирларни белгилаб олдилар. Чунончи, қарорда ёшлар билан ишловчи комиссиялар тузиш, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, уларнинг обрў-эътиборини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш кераклиги алоҳида уқтирилган.

Фабрикада ёш ишчи кадрлар билан ишлаш борасида талай тажриба орттирилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Корхонада илғор ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш анъанага айланиб қолган. Ишчиларнинг унумли ишлашлари учун керакли барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. Бунинг шарофати билан корхонада прогулчилик, ишга кечикиб келиш, кадрлар қўнимсизлиги камайди. Ишчи-мураббий Саида Ниёзованинг ёшларга касб-ҳунар ўргатиш борасида тўплаган бой тажрибаси бугунги кунда фабрика доирасидан чиқиб, Бухоро саноат корхоналарининг кўпчилигида эўр қизиқиш билан ўрганилаётир. С. Ниёзова ҳозиргача 20 нафардан кўпроқ шогирд етиштирди. Унинг қўл остида касб ўрганиб, камол топган М. Ҳамроева, Ш. Шодиева, Ф. Рўзиева каби илғор ишчилар эндиликда ўзлари ёшларга мураббийлик қилишяпти.

Фабрикада С. Ниёзованинг мураббийлик мактабини ўтаган, пешқадам, устоз ишчилар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. Анна Мельник, Мунира Отақулова, Валентина Дурова, Моҳира Сафарова, Тамара Қурбонова сингари 30 нафардан зиёд байроқдор ишчи бир беш йиллиқда икки беш йиллик топшириғини шараф билан уддалаш арафасида турибди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ МУҚАДДАС

«АВРОРА» ЁНИДАГИ ЎЙЛАР

Корхона ишчи-хизматчиларининг йиғилиши кетмоқда. Сўз навбати Олтиной-га тегди.

— Корхонамизда ўтган ой план-топшириқлари бажарилмай қолган экан, — деди у босиқ овоз билан, — гап ҳом ашёда ҳам эмас, дастгоҳларда ҳам эмас, ўзимизда. Нега айрим ишчилар ҳануз ишга кечикиб келишади? Нечун баъзилар иш вақтида дастгоҳларини беш-ўн минутлаб бўш қолдиришади, ўзаро суҳбатлашиб ўтиришади? Ишда интизом бўлмагач, барака бўлармиди?

Ўшанда Олтинойнинг гаплари баъзиларга оғир тегди. Аммо, кўпчиликка ёқиб тушди. Уни қўллаб-қувватлашди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Ҳар бир ишчининг иш унуми ва маҳсулот сифати устидан назорат ўрнатилди.

— Олтиной, — деди бир куни фабрика директори ҳузурига чақириб, — сенинг бир луқманг айримларга сабоқ, корхонага кони фойда бўлди. Кечикиб келишлар, прогуллар камайди. Дастгоҳларинг бўш қолиш ҳолларига чек қўйилди. Маҳсулот сифати ортди.

Мана, 1979 йил мусобақасида ҳам ғолиб чиқдинг, табриклайман. Ўтган бир ой давомида юз килограмм пилладан тайёрлаган ипагингинг ҳаммаси аъло сифатга қабул қилинди. Бу ҳам сенинг ютуғинг... Маргилонда таҳсил олдинг, у ердаги қатор ипак йигирув корхоналарида иш ўргандинг, энди эса ўзинг ҳам Г. Раҳимова, Г. Собирова, Р. Бекжонова сингари уч-тўрт шогирд тайёрлаб қўйдинг. КПСС сафига қабул қилидинг. Шаҳар Советига депутатсан...

Революция бешиги — Ленинградда Октябрь Революцияси ва Қизил Юлдуз орденли афсонавий крейсер — «Аврора» олдида Олтиной Дўстжонованинг ҳаёлидан бир сониялик муддат ичида ўтган бу ўйлар унинг Урганч пиллакашлик фабрикаси қўйнидаги қайноқ меҳнат фаолиятидан бир шингил, холос. У яқинда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари қатори Ватанимизнинг энг илғор ишчи-хизматчилари билан «Аврора» крейсери ёнида суратга тушиб қайтди.

Д. БЕКЖОНОВА.

Тошкентдаги «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг илғор ишчиси, коммунист Эргаш Шамсиев беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажариб, яхши натижаларга эришди. Суратда: Э. Шамсиев.

В. Сироткин фотоси.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Оҳангарондаги дон маҳсулотлари комбинати план топшириқларини уддалай олмай қолоқлар сафига тушиб қолган эди. Бундан хабар топган Украинадаги Криворожск 2-дон маҳсулотлари комбинати коллективи ўзбекистонлик ҳамкасбларига беғараз ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Ўртада тузилган шартномага биноан корхонанинг бир гуруҳ энг яхши мутахассислари Оҳангаронга кўмакка юборилди. Украиналик етук мутахассислар Оҳангаронда технология жараёнини тўғри йўлга қўйишда кўмак бериб ўзларининг бой тажрибалари ва маҳоратларини қунт билан ўргатдилар.

П. БАБЕНКО.

ФАХРИЙ СОВРИН ЭГАЛАРИ

1979 йил социалистик мусобақасида ғолиб чиққан мамлакатимизнинг энг яхши қишлоқ қурилиши бинокорлари фахрий соврин эгалари бўлдилар. Улар инсоният тарихида биринчи бўлиб фазони забт этган Юрий Алексеевич Гагарин номидаги фахрий вимпел билан мукофотландилар.

Фахрий соврин эгалари орасида «Узколхозстрой» бирлашмасидан: Андижон колхозлараро ихтисослашган колоннасининг Юсуф Умаров етакчилигидаги пардозловчилар, Нукусдаги 65-колхозлараро ихтисослашган колоннасининг Кувончбой Олғашев бошлиқ злобинчи, Бухоро колхозлараро ихтисослашган колоннасининг Идрис Хўжаев раҳбар бўлган комплекс ҳамда Наманган колхозлараро кўчма колоннасининг Абдулла Иброҳимов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадалари аъзоларидан бор.

Юксак мукофотдан руҳланган қишлоқ бунёдкорлари шу кунларда янада куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

О. ЗОКИРОВ.

Редакция, шунингдек, **С. Мўйдинов, В. Полянин, Н. Иноқов** (Андижон), **А. Валуйский,** (Тошкент) **О. Бурхонов, Ж. Мўйсинов** (Қашқадарё), **Ж. Азимов** (Сурхондарё), **А. Турсунов** (Фарғона), **М. Эрдонова** (Бухоро), **О. Раҳимов** (Хоразм), **М. Сиддиқов** (Самарқанд) ларден ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларидаги янгиликлар ҳақида қиқоя қилувчи хат-хабарлар олди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ — БОШ МАСАЛА

ТАШАББУС САМАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарорида тармоқ министрликлари ҳамда идоларининг олий таълимни тараққий эттиришда, ўқув юртлари моддий базасини мустаҳкамлашда иштирок этишларига тармоқнинг илмий-техникавий ва ижтимоий тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралиши алоҳида уқтириб ўтилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати бизнинг зиммамизга ҳар йили бошқа министрликлардан шерикчилик йўли билан ўқув корпусларини қуришда қўшимча капитал маблағ ажратилишига эришиш вазифасини қўйди. Биз бу топшириқни бажаришда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» асарига суянмоқдамиз.

Қатъийлик, ташаббускорлик ўз самарасини бермоқда. Кўпгина иттифоқ министрликлари ва давлат комитетлари республикамда ўқув юртларини қуришда шерикчилик йўли билан маблағ ажратиш учун қўшимча резервларни кидириб топмоқдалар. Тошкент политехника, халқ хўжалиги институтлари, Нукус давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси, Фарғона политехника институтлари ва Тошкент давлат университетининг янги ўқув корпуслари шу тарика қад кўтарди ва бунёд этилянти. Улар Газ саноати, Химия, Нефть, Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш, Озиқ-овқат, Енгил, Рангли металлургия, Электротехника, Гўшт ва сут саноати, Нефть химияси саноати, Транспорт қурилиши, Геология, Энергетика ва электрлаштириш, Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Тайёрлаш министрликлари, СССР Давлат стандартлари комитети маблағлари ҳисобига қурилди.

Республикамизнинг кўпгина министрликлари ва идоралари ўз капитал маблағлари билан олий ўқув юртлари ҳамда техникумларнинг ўқув корпусларини қуришда фаол иштирок этмоқдалар. Хуллас, республика партия ва ҳукумати, Ўзбекистон Давлат план комитетининг катта ёрдами билан Иттифоқ, Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари ҳисобидан шерикчилик йўли билан қуриш учун 55 миллион сўмдан зиёд капитал маблағ ажратишга эришилди. Бир қатор республика министрликлари, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, областлар ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари министрлигимизга қарашли ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда яқиндан ёрдамлашмоқда.

Доимий ғамхўрлик, катта эътибор ва кўмаклашув туфайли Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги 1979 йил капитал қурилиш планини ноябрь ойидаёқ барча кўрсатичлар бўйича бажарди. Ўнинчи беш йиллиқнинг ўтган тўрт йили мобайнида Ўзбекистон юртларининг моддий-техника базаси анча ўсди. Кўркам, архитектура жиҳатидан ноёб ҳисобланган Нукус давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти бинолари қуриб битказилди. Капитал маблағларни ўзлаштириш 1979 йил плани 121 процент адо этилди. Пландагидан ташқари 3 миллион 184 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 18 миллион 636 минг сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Ўқув-лаборатория сахнларини ишга тушириш плани 116 процентдан ошириб адо этилди. Бу, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва буюртмачилар коллективларининг ўзаро ҳамкорликда ва жипсликда меҳнат қилишлари самарасидир.

Дарҳақиқат, ўқув юртлари раҳбарлари, олий ўқув юртларининг капитал қурилиш бўлими ходимлари ва министрлигимизнинг таъминотчи ташкилоти бинокорлар билан яқин алоқада, қўлни-қўлга бериб ишлаб, буюртмачилар томонидан ўртага қўйилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб бормоқдалар. Қурувчиларга ёрдам бериш мақсадида студент қурилиш отрядлари мунтазам суръатда юборилиб турилди.

Капитал қурилиш соҳасидаги тинсиз вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши капитал маблағлар самарадорлигини янада ошириш учун қўшимча тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Чунончи, министрлигимиз зиммасига тугалланмаган қурилишлар ҳажмини анча қамайтиришдай катта ва масъулиятли вазифа қўйилган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленумида қилган докладида бу ҳақда тўхталиб, тугалланмаган қурилиш ҳажмининг ошганлигига бююртмачилар томонидан қурилишларнинг борили устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги, ишга тушириладиган объектларга зарур моддий ва ишчи ресурслари жамланмаганлиги асосий сабаб экаблигини жуда ҳақконий уқтириб ўтди. Масалан, Тошкент политехника институти, Тошкент давлат университети, Тошкент автомобиль транспорти ва йўл қурилиши институти, Самарқанд архитектура-қурилиш институти каби йирик олий ўқув юртларида тугалланмаган қурилишлар ҳажми белгиланган нормадагидан икки баравар кўплигини қандай баҳолаш мумкин? Асосий гап шундаки, айрим ўқув юртларининг раҳбарлари капитал қурилиш соҳасидаги ишларни пировард натижаларга эришиш учун тўғри йўлга сололмаяптилар. Маълумки, ҳар йили капитал қурилишга миллий даромаднинг бешдан бир қисмидан кўпроғи ажратилади. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, экономика кўрсаткичларининг ўсиши мана шу маблағлардан қандай фойдаланаётганлигимизга боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири капитал маблағларни ишга тушириладиган объектларга жамлаш, тугалланмаган қурилишлар ҳажмини қисқартириш, объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишдан иборатдир. Министрлигимиз тугалланмаган қурилишлар ҳажми анча қўплигини ҳисобга олиб, капитал маблағларни ишга тушириладиган объектларга жамлаш тўғрисида бир қатор чора-тадбирлар кўрди. Бироқ, баъзи қурилиш ташкилотлари 1980 йилнинг беш ойи ўтиб бораётганлигига қарамай, ҳамон ишда жиддий бурилиш ясамаяптилар. Хусусан, 6-қурилиш трестининг 7-бошқармаси ўтган йили Тошкентдаги Студентлар шаҳарчасида политехника институтининг энергетика факультети ўқув корпусини фойдаланишга топшириш вазифасини барбод қилди. Бошқарма ўтган йили ноябрь ойида бинокорларни бу муҳим объектдан бошқа жойга олган эди. У ҳамон пардозлаш ишларига киришгани йўқ. «Главташкентстрой»нинг 8-трести (бошқарувчиси ўртоқ М. Дўстматов) Тошкент автомобиль транспорти ва йўл қурилиши институтининг 10 қаватли ўқув корпусини ишга туширишнинг ўддасидан чиқолмади. Трест раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмаганга ўхшайдилар. Бу ерда ҳам пардозлаш ишларидан дарак йўқ. «Главташкентстрой»нинг 153-трести (бошқарувчиси ўртоқ Б. Муҳиддинов) Тошкент чет тиллар педагогика институти ўқув корпусида қурилиш йиллик планини бор-йўғи 31 процентга етказган эди. Ҳозир ҳам ҳеч қандай ўзгариш сезилмаяпти. Бу объектда атиги бир неча одам ишлаяпти, холос. «Главташкентстрой»га қарашли 159-, республика Қурилиш министрлигининг 10-, 163-трестлари, «Самаркандхиметрой» бирлашмаси раҳбарлари ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Улар бош бўлган ташкилотларнинг коллективлари Тошкентдаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти, Наманган тўқимачилик техникуми, Бухоро план-иқтисод техникуми, Самарқанд архитектура-қурилиш институтидаги бир қанча объектларда жиддий қолоқликка йўл қўйдилар.

Бундай қолоқликка айрим пудратчи ташкилотлар ва ўқув юртлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги, ишлаб чиқилган ўн кунлик графикларнинг бажарилиши устидан самарали назоратнинг ўрнатилмаганлиги сабабдир. Уй-жой ва ётоқхоналар қурилишидаги йўл қўйилган жиддий нуқсон ва хатолар учун бутун жавобгарлик биринчи навбатда жойлардаги бююртмачилар зиммасига тушади.

Юз берган аҳволга тоқат қилиш мумкин эмас. Қурилиш ташкилотлари уй-жой ва ётоқхоналарни фойдаланишга топширишнинг белгиланган муддатларига қатъий риоя қилишлари, планларни поменклатурадаги барча объектлар бўйича бажаришлари шарт.

Бу йил министрлигимиз олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Чунки, 1980 йил беш йиллиқнинг якуновчи йили бўлиб қолмай, балки ўн биринчи беш йиллик учун мустаҳкам замин яратиладиган, партиянинг навбатдаги XXVI съездига актив тайёргарлик кўриладиган йил ҳамдир. Министрлигимиз бўйича 1980 йилда жами 18 миллион 501 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш, шу жумладан, 11 миллион 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этиш керак. Бу мураккаб, аммо бажарса бўладиган реал вазифадир. Шунга кўра, ўқув юртлари ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари белгиланган объектларни ишга туширишни таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўришлари, куч-ғайрат сарфлаб, ўзларининг ташкилотчилик қобилиятларини намоён қилишлари лозим. Биз, буюртмачилар эса 1980 йилда кўзда тутилган ҳамма қурилишларни ўз вақтида капитал маблағ билан таъминлаш, белгиланган муддатларда асбоб-ускуналарни, кабель маҳсулотларини тайёрлаб қўйиш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак.

М. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«САМАРАДОРЛИК — БОШ МЕЗОН»

Газетамизнинг шу йил 19 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Урганч ремонт заводи коллективи эришаётган ютуқларни қайд этиш билан бирга бу ерда бююмларни тайёрлаш шароити яхши эмаслиги, айниқса, монтаж, механика, электр цехлари тор, нафас, ўнғайсизлиги, янги корхона қурилиши ғоят чўзиб юборилаётгани ва бошқа фактлар очиб ташланган эди.

Ушбу мақола юзасидан **УРГАНЧ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**дан шундай мазмунда жавоб олинди:

— Мақола завод кенгашида муҳокама қилиниб, унда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилянти. Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни тезлаштириш, ишчиларга меҳнат ва маданий шароитлар яратиб бериш юзасидан ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам завод белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни мунтазам бажариб келаётган бўлса-да, бироқ завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар халқ хўжалиги талабларини ҳали тўла қондиролмаётир. Шунинг учун ҳам янги завод қурилиши назарда тутилган эди. Қурувчиларнинг, қолаверса, заводнинг ойби билан бу қурилиш ўн йилдан бери чўзилиб келяпти.

Ҳозирги вақтда маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари заводда комплекс тадбирларни амалга оширишни, янги завод қурилишини ўз назорати остига олган. Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» олдига эски ва янги қурилаётган заводни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи қўйилди. Бу масалаларнинг ҳаммаси шаҳар партия комитетининг назорати остида турибди.

«СИР БУЙИ — НУР БУЙИ»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган [газетанинг шу йил 29 февраль сони] рейд мақолада Сирдарё ГРЭСи қурувчиларининг улкан бунёдкорлик ишлари ҳикоя қилинган эди. Шу билан бирга мазкур мақолада, жумладан дейилади: «Маданият уйи, стадион қуриш ҳақида неча йилдан бери гап юритилади-ю, аммо амалий ишга келганда муз ўрнидан кўчмаяпти. Кўп минг аҳоли истиқомат қилаётган Ширин шаҳрида битта ҳам чойхонанинг йўқлигини нима деб баҳолаш мумкин!».

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИ редакцияга шундай жавоб йўллаган:

— Мақолада қайд этилган фактлар «СирдарьяГРЭСстрой» қурилиш бошқармаси партия комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди.

Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Шу йилнинг иккинчи кварталида олти минг аҳоли истиқомат қиладиган жамоат маркази қуриб, фойдаланишга топширилади. Бу ерда кафе, чойхона, тўғарак хоналари, қизил бурчаклар бўлади. Стадион, маданий-оқартув маркази қурилиши бошланади.

Қурилиш икки-уч сменада олиб борилади. Мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатишда трест маъмурияти «СирдарьяГРЭСстрой» қурилиш бошқармасига яқиндан ёрдам беради.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Узплодоовощвинпром»нинг Бухоро область бирлашмасига қарашли «Ғалаосиё» совхоз-заводи коллективи маҳсулот реализация қилиш беш йиллик планини муддатидан илгари адо этди. Пландаги 17 миллион 554 минг сўмлик ўрнига 17 миллион 656 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Корхона меҳнат аҳли йил охригача пландан ташқари яна 3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олди.

Совхоз-завод узумларнинг бир неча янги навини етиштириш билан бирга турли маркадаги винолар ҳам ишлаб чиқармоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг беш турига давлат Сифат белгиси берилганлиги коллектив эришаётган ютуқлардан бири ҳисобланади.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Бухоро области. Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз фермасида илғор сут соғувчилар кўп. Сиз суратда кўриб турган Матлуба Меҳмонова ана шуларнинг биридир. У бу йил ўз боқимидаги ўн бешта сигирнинг ҳар биридан 3350 килограммдан сут соғиб топшириш мажбуриятини қабул қилган.

Ҳ. Қурбонов фотоси.

26,5 минг тонна пилла учун

ДАҚИҚАЛАР ҲИСОБДА

Районимизда пахтачилик билан бир қаторда пиллачилик ҳам шаҳдам ривожлантирилянти. «Кумуш тола»нинг миқдори кўпайтирилиб, сорти яхшиланянти. Барча колхоз ва совхозларимиз пиллачиликдан катта даромад олянти. Ўтган йили давлатга пландаги 214 тонна ўрнига 243,6 тонна қимматбаҳо хом ашё топширилиб, пилла тайёрлаш халқ хўжалик плани ортиғи билан адо этилди.

Қўлга киритилган муваффақият «кумуш тола» ижодкорларини янги зафарларга чорламоқда. Ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи босқичи —1980 йилда районимиз бўйича 260 тонна пилла тайёрлаш ҳақида юксак мажбурият қабул қилинди. Ҳозир ана шу мажбуриятни қоплайдиган даражада пилла етиштириш учун мусобақа кучайтирилянти.

Районимиздаги «Ленинизм», Навоий номли, Калинин номли, «Ленинград», Карл Маркс номли колхозлар, Димитров номли совхоз ва бошқа илғор хўжаликларнинг пиллакорлари ҳар қути қурт уругидан 80—100 килограмм, ҳатто, ундан ошириб пилла олиш учун курашянти, кўпчилик звеноларэса 130—140 килограммлик маррани кўзламоқда.

Бу йил ипак қуртини марказлаштирилган ҳолда парваришлашга жиддий эътибор берилаётир. Шу мақсадда колхоз ва совхозларимизда катта, ёруғ, озода қуртхоналар қурилди. Совхоз ишчилари, колхозчиларнинг хонадонларида қуртни парваришлаш учун барча қулайликлар яратилди. Пиллакорлар қуртни жадал усулда боқиш мусобақасини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Илғор пиллакорларимизнинг тажрибаси ҳаммага ибрат бўлмоқда. Пиллачиликда мунтазам рекорд ҳосил олаётган Н. Абдиева, М. Ҳомидова, М. Исмоиловалар марказий қуртхоналар, хонадонларда бўлиб, қурт боқувчилар ва уларнинг ёрдамчиларига қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

Пешқадам пиллакорларимизнинг «кумуш тола»дан рекорд ҳосил етиштиришдаги тажрибалари нималардан иборат? Қуртхоналар доимо тоза ва озода сақланади, мунтазам ҳаво янгиланиб турилади, сўнчаклар кенг қурилган бўлиб, қурт катта даҳаҳа қирганда ҳам эркин, яйратиб боқилади. Қурт кўз қорачиғидай асралади, унинг очиқиб қолиши, қурт-қумурсқалар, қушларга ем бўлишига йўл қўйилмайди. Қуртхоналарда доимо навбатчилар туради.

Тут баргидан тежаб-тергаб рационал фойдаланилади. Тутзорлар, пиллачилик бригадалари ва звеноларига биркитиб қўйилган. Исрофгарчиликка асло йўл қўйилмайди. Ипак қурти дастлабки пайтларда бачки тут новдаларининг барги билан, улгая борган сари эса асосий новдаларининг барги билан боқилади. Тутзорлар, пиллакорлар бойлиги, ундан ишнинг кўзини билиб, келаси йилларда ҳам пиллачиликни ривожлантиришни кўзда тутиб фойдаланиш керак. Пиллакорларимиз баргни тонг саҳарда ва кечқурун шабнам тушганда кесадилар, қуртхоналарда сира нобуд қилмай сақлайдилар. Ипак қурти иштаҳасига қараб кунига 7—8 марта, ҳатто ундан кўп озиқлантирилади. Вақти-вақти билан эски новдалар олиниб, сўкчаклар енгиллаштирилиб турилади.

Илғор пиллакорларимиз бултур ўз боқимларидаги қуртни 23 кунда дастага киритишга муваффақ бўлдилар. Бу йил янада қисқароқ муддатни кўзлашяпти. Етарли миқдорда дасталар тайёрлаб қўйилди.

Кези келганда айрим танқидий мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Область партия ва совет ташкилотларининг ғамхўрлиги билан район марказида Нариманов бош пиллахонаси қуриш режалаштирилди, шу мақсад учун 350 минг сўм маблағ ажратилди. Бунга сабаб шуки, районимизнинг пиллачиликдаги истиқболи шуни тақозо этади. Бош пиллахона 1979 йилда фойдаланишга топширилиши керак эди. Афсуски, республика Қишлоқ қурилиш министрлигига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасининг Самарқанддаги 3-қурилиш бошқармаси (бошлиғи В. Попов, трест бошқарувчиси А. Ҳайдаров ўртоқлар) энди эллик процентга яқин иш бажарди холос. Пиллачилигимизнинг истиқболи бу объектни тезкорлик билан битказиш ва фойдаланишга топширишни тақозо этмоқда.

Районимиз бўйича ҳар қути қурт уругидан 80 килограммдан пилла олиб, она-Ватанга 260 тонна «кумуш тола» топширамиз.

И. АҲАДОВ,

Пайариқ район Нариманов бош пиллахонаси директори.

Ёзувчи ва ҳаёт

БЕШИНЧИ ФАСЛ

Баҳор, ёз ойларида Бухоро ва Қарши томонларга учган бўлсангиз, биласиз. Самолёт қанотлари остидан чексиз сайҳониклар, қўнғир қирлар аста сузиб ўтади. Гоҳо гугурт қутисидай кичкина қўрғончалар учрайди. Улар ёнидан ҳар тарафга оқиш ипдай ингичка йўллар тарқалган. Ҳалиги очиқ майдонлар, кулранг қирлар қўйнида гала-гала қўйлар ўтлаб юради. Бу бизнинг машҳур қоракўл қўйларимиз. Улар чўлларимиз, тоғ адирларимиз кўрки. Республикамиз неча йилдирки, давлатга қоракўл тери сотиш бўйича Иттифоқда биринчи бўлиб турибди. Бултур ўзбек чорвадорлари роппа-роса 2 миллион 340 минг дона турфа ранг тери етказиб берди. Бундай жилвакор терилар етказиб жаҳон бозорини обод қилаётганлар, албатта, одамлар, бизнинг жафокаш, содда, сабр-тоқатли ва энг муҳими, қанотли чорвадорларимиз. Улар қишнинг 40 даражали қаҳратонига ҳам, ёзнинг 50 даража жазирмасига ҳам бардош бериб, йил ўн икки ой сурув ортида изма-из юришади. Бепоён Қизилқумнинг кўчма барханларида, Бойсун, Деҳқонобод, Фориш, Оҳангарон тоғларида уларнинг дағал этиклари қолдирган изни кўрасиз.

Мен хизмат юзасидан республикамизнинг тоғли, саҳроли ялпов-қишловларида кўп бўлганман. Бир неча йил илгари Деҳқонободнинг энг чекка ғўшаси, Ғузор дарёсининг бошига чиқиб бордик. Салкам 3 минг метрлик тоғ чўққисига яқин Темирсандиқ деган ерда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор чўпон Амирали Эшбоев отари жойлашган экан. Амирали ака мени ҳар томонлама билими, саводхонлиги, ҳаётий масалаларга теран ва оқилона ёндашиши билан ҳайратга солди.

Ҳаёлан мен Қизилқумга бориб қолдим. Нурота тизма тоғининг этагида, изиллаган қумлар қўйнида «Қизилча» совхози бор. Бу совхознинг доғи Ўзбекистонга кетган. Яқин ўн йилдирки, хўжалик давлатдан бир сўм ҳам қарздор бўлгани йўқ, нуқул миллион сўмлаб даромад қилади. Совхоз директори Мирзо Нурбоев бизга Ҳайдарқўл атрофидаги энг олис қўраларидан бирини кўрсатмоқчи бўлди. Январнинг охирлари. Куз совуқ. Қип-қизил, текис ва намхўш қумлоқ йўлда машина сирғаниб кетаётганга ўхшайди. Икки тараф тақир ёвшонзор, ондасонда учига қизил латта боғланган саксовуллар учрайди. Чап томонда, бир сурув қўй ўтлаб юрибди. Пода ортида эгарига хурмун солинган эшак. Сал нарида, таёғига суяниб чўпон ўтирибди. Бошида сур телпак, эгнида тери пўстин. Гўё кимдир, қачонлардир уни шу ерга ўтказиб қўйгану, «саҳро хўжаси ўзингсан, ўрингдан жилма!», деб кетганга ўхшайди. Мени ўша чўпоннинг хаёллари қизиқтирди. Ажабо, шу топда у нималарни ўйлаётганикан-а? Ота-боболарининг ўтмишиними? Туғилганидан бери шу саҳрони қадамлаб ўтаётган умриними? Фарзандларининг келажагиними?

Ҳа, Ўзбекистонимизнинг яйловларида 4 миллион 334 минг қўй боқилмоқда. Шуларнинг тенг ярми Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд областларига тўғри келади. Республикамизда 92 қоракўлчилик совхози бор. Улар йил сайин 20—25 миллион сўмлаб даромад қилянти. Бу рақамлар тагида юзлаб билимдон, одил, кўюнчак хўжалик раҳбарларининг катта меҳнати ётибди. Лекин бу рақамларнинг асл бунёдкори, юқорида айтганимиздек, минг-минглаб толмас, фидойи, соддадил чўпон-чўлиқлардир. Қўй ётса ётади, турса яна кўзларини ишқалаб туриб кетади. Қўй оқсаса, унинг туёғини кафтига олиб сийпалайди. Уч кунлик кўзичоқни чақалоқдай эркалайди, бағрига босиб ёситади.

Лекин одам фақат раҳматномалар ёки чапаклар билангина яшай олмайди. Бугун талаб бошқа. Демак, эҳтиёж ҳам бўлак. Мен чорвадорларимизнинг маданий-маиший шароити ҳақида гапиряпман.

Шароит деганда Бухоро областидаги «Ғиждувон» совхози ёдимга тушди. Бухородан 400 километрча нарида, Қизилқум этагида бу совхознинг бир бўлими бор. Дастлаб у ерга борган одам Улик денгиз қаърида турганига ишонмайди. Оёқ боссанг тўпиққача ботадиган юмшоқ қум. Сийрак саксовуллар бутоғида изғирин ҳуштак чалади. Бироқ шифер билан ёпилган оппоқ уйлар кўз қамаштиради. Бир ёқда движок дотиллаб муздек сув чиқариб ётибди. Холодильникларда минерал сувлар қиров босиб турибди. Телевизорда «Баҳор» қизлари рақса тушянти. Сал нарида кенг, озода медпункт, бошланғич мактаб. Ҳафсалани қарангки, совхоз шоферлари Карманадан тупроқ олиб бориб полиз экишибди.

Албатта, бунақа шароитда чорвадор тақдиридан норози бўлмайди. Аммо баъзи раҳбарларимизнинг қизиқ одатлари бор. Улар меҳнаткашнинг дардига қулоқ солишни эмас, ўзлари кўпроқ гапиришни ёқтирадилар. Деҳқонобод районини олинг. Бу ерликлар, асосан чорвадор. Районда 140 дан ортиқ қишлоқ бор. Адашмасам, ўша қишлоқларнинг баъзилари ҳали электрлаштирилмаган. Йўл ёмон, маданий-маиший хизмат ёмон. Тоғ тепасига поезд чиқолмас, лекин кино установка чиқади-ку? Оқ халатли доктор билан машҳур актёр чиқа оладику? Деҳқонободда Торқапчиғай деган қишлоқ бор. Ўн йилча бурун ўша қишлоқдаги хунук воқеалари ёзиб, районнинг обрўли бир раҳбари билан қизаришиб олувдик. Торқапчиғайда аҳвол бояги-боягича.

Чорвадорни қийнаб, унинг кўксига ҳадик солиб турган яна бир масала бор. Бу ўринбосарлар масаласи. Эндиликда чўпон бобо таёғини кимга беришни ўйлаб қоляпти. Ёшлар оталарининг таёғига эътибор билан қарамай қўйишди. Бир замонлар бу таёқ муқаддас эди. Узлуксиз, авлоддан-авлодга давом этадиган чорвадор наслининг рамзий белгиси эди. Эшитдингми? Аксар ёш йигитчалар ўрта мактабни битириб ўзини ўқишга уради. Унинг оловли туйғулари, қанотли орзулари, улкан дунё кенгликларига талпинган қалбига саҳро ҳам, тоғ ҳам торлик қиляпти. Демак, тезроқ бу проблемани ҳал қилишга киришмоқ лозим.

Биз, қалам аҳли «ёруғ юз билан» деган иборани кўп ишлатамиз. Лекин гапнинг очиғи, ҳозир ўзимиз чорвадорнинг бетига ёруғ юз билан қараёлмаяпмиз. Чорвадорлар олдида ёзувчилар ҳам, рассомлару композиторлар ҳам, «Ўзбекфильм» билан театримиз ҳам бирдай қарздор.

Мен яна Ҳайдарқўл йўлида тўнига бурканиб ўтирган чўпонни эсладим. Чорвадор тўрт фаслда ҳам бирдай деган гап бор. («Чорва» сўзи аслида чаҳор ҳамда воҳ» сўзларидан олинганмиш). Эҳтимол, ўша қўйчивон бешинчи фаслини орзу қилиб ўтиргандир? Салкам 4 ярим миллион қўй боқиб, элни ясантираётган, тўйдираётган чорвадор учун бешинчи фасл унинг даладан озод пайтлари, дам оладиган, кўнгил очадиган, ширин-шакар фарзандлари билан озода, кўркам, қулай уйларда яшайдиган палласи. Сайру саёҳатга чиқадиган, меҳнатининг хузурини кўрадиган мавсуми. Бунақа мавсумни муҳайё этиш учун энди чўпоннинг ўзигина эмас, сиз билан биз бош қотиришимиз керак.

Саъдулла СИЕВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

«КИЧИК ЕР» ВИСТАВКАСИ

Совет Армияси Чехословакияни озод қилганлигининг 35 йиллиги шарафига Прагадаги В. И. Ленин музейида очилган «Кичик ер» виставкаси фашист босқинчилар билан шиддатли жангларда жонажон мамлакатни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолган, Европа халқларига озодлик ва тинчлик келтирган совет жангчиларининг қаҳрамонлиги ва мардлигига бағишланган.

Виставкада совет ва чехословак баталист рассомларининг 350 дан кўпроқ картинаси, совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши тўғрисида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва ҳужжатлар намойиш этилмоқда.

Кичик ер ҳимоячиларининг тилларда достон бўлган жанговар эпопеяси кенг тасвирланган. Виставка экспонатлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китоби мазмуни билан тематик жиҳатдан боғланди. Мазкур китоб Чехословакияда яхши маълум. Экспозиция 18-армиянинг Новороссийскдан то Чехословакиянинг шаҳар ва қишлоқларигача босиб ўтган шонли жанговар йўли билан ҳам таништиради.

Бу ерда намойиш этилаётган уруш йилларига мансуб ҳужжатлар КПСС ва Совет давлатининг атоқли раҳбари — Леонид Ильич Брежневнинг СССРда коммунизм иши тантанаси йўлидаги, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлидаги тинимсиз курашидан яққол далолат беради. (ТАСС).

ДЎСТЛИК РАНЗИ

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Эндиликда Ҳиндистон экономикаси давлат секторининг негизини ташкил этувчи 70 дан ортиқ йирик саноат объекти Совет Иттифоқи ёрдамида қурилди. Бхилаи ва Бокаро металлургия комбинатлари ёки ҳозир Калькуттада бунёд этилаётган Ҳиндистоннинг биринчи метрополитени шулар жумласидандир. Совет ва ҳинд олимлари ўртасидаги алоқалар ҳам тобора кенгайиб бораётир.

Совет — Ҳиндистон ҳамкорлиги космик фазони тадқиқ қилиш соҳасини ҳам қамраб олган. Бу ҳамкорликка 1963 йилда асос солинган бўлиб, ўша йили Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар билан биргаликда Ҳиндистонга Тхумбедаги ракета полигонини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда кўмаклашганди. Ҳиндистон полигони эндиликда жаҳондаги бошқа йирик метеорологик марказлар билан биргаликда атмосфера жараёнларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшаётир.

1972 йилда СССР Фанлар академияси ва Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти биринчи ҳинд йўлдошини яратиш ва уни совет учирувчи ракетаси ёрдамида учиришда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимни имзоладилар. Орадан уч йил ўтгач «Ариабата» орбитага чиқарилди. Бу ҳинд олимларининг космосни планли равишда тадқиқ этишни бошлашларига асос солди. Орбитада 4 йилдан ортиқ ишлаган бу йўлдош илмий программани тўла-тўкис бажарди. Совет Иттифоқи ана шу аппарат учун қуёш батареялари, аслаб қолувчи қурилма ва бошқа хизмат системаларини тайёрлаб берди. СССР территориясида эса ҳинд системалари билан ишловчи кузатув станцияси яратилди.

Ҳозир орбитадаги «эстафета»ни совет космодромидан учирилган «Бҳаскара» эксперименталь йўлдоши муваффақиятли давом эттирмоқда. Унинг тадқиқотлари программаси ҳам асосан бажарилди. Ҳозир ҳинд мутахассислари учинчи йўлдош устида ишламоқдалар. У ҳам «Бҳаскара» сингари табиий ресурсларни ўрганишга мўлжалланган. Бу йўлдош устида ишлар ниҳоясига етган, учириш учун Совет Иттифоқига келтирилади.

Совет ва ҳинд космонавтларининг тез орада биргаликда космоса парвоз қилиши ҳақидаги хабар Ҳиндистон олимлари, мамлакат космик техникаси яратувчилари ўртасида катта воқеа сифатида кутиб олинди. Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти мутахассислари космосдаги бу тажрибани икки мамлакат илмий ҳамкорлигини мустаҳкамлайди, космосни ўзлаштиришда янги қадам бўлади, деб ҳисоблямоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, «тез орада совет ва ҳинд космонавтларининг биргаликда космоса учиши тўғрисида яқинда эришилган битим дўстлигимизнинг бамисоли рамзи бўлиб қолади».

А. РУЗИЕВ.

АҚШ президентининг нутқи

АҚШ президенти Ж. Картер Филадельфияда халқаро ишлар кенгашида сўзлаган нутқида маъмуриятнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини таҳлил этиб берди.

Америка обзорчиларининг фикрича, бу нутқ Америка маъмуриятининг халқаро хавфсизликка реал таҳлика солаётган авантюристик қадамлари Ғарбий Европада ва Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам тобора кучли норозиликка дуч келаётганлигига жавоб тариқасида ўйлаб тузилган эди. Шу билан бирга АҚШ давлат секретари С. Вэнснинг яқинда истеъфога чиқиб кетганлиги мана шу қайфиятнинг конкрет ифодаси бўлганлиги уқтириб ўтилмоқда.

Шундай бўлишига қарамай, Ж. Картер, унинг ўз ибораси билан айтганда, АҚШ кейинги уч ярим йил ичида амал қилиб келаётган йўлни тавсифлаб, маъмурият ўз олдига бешта асосий вазифани қўйганини айтди. Бу вазифалар:

биринчидан, саноат жиҳатдан ривожланган демократияларнинг иқтисодий бирдамлигигина эмас, сиёсий бирлигини ҳам мустаҳкамлашга кўмаклашишдан; иккинчидан, учинчи дунё мамлакатлари билан чинакам ҳамкорликка асосланган муносабатларни йўлга қўйишдан; учинчидан, Яқин Шарқда ва дунёнинг бошқа нотинч районларида тинчликни тиклашга муттасил интилишдан; тўртинчидан, Америкаларнинг стратегик манфаатларини, айниқса Жанубий-Ғарбий Осиёда хавф остида қолган мана шундай мавфаатларни ҳимоя қилишдан; бешинчидан, айниқса Совет Иттифоқи билан келишиб олинган стратегик қуролларни чеклаш йўли орқали қурол-яроғлар устидан контроль ўрнатишга кўмаклашишдан ҳамда Совет Иттифоқи билан қуролларнинг мустаҳкам ва баланси нисбатини сақлаб қолишдан иборат.

Мана шу дудмал ибораларнинг ҳақиқий моҳиятини Картернинг ҳозирги дунё «Американинг дадил ва қатъий раҳбарлигига муҳтож бўлиб қолган дунёдир» деган сўзларидан билиб олса бўлади.

Америка президенти жаҳон ишларида гегемончилик қилишга бирмунча пардаланган тарзда бўлса ҳам даъво қилиб, ўзининг шу даъволарини «АҚШнинг ҳаётий манфаатлари»ни рўёчи қилиш билан ниқоблашга уринди.

Ж. Картер ўз нутқида Америка чегараларидан бир неча ўн минг километр олисдаги регионларда Вашингтоннинг «ҳаётий муҳим манфаатлари» борлиги тўғрисида ҳамда АҚШ мана шу манфаатларига қилинадиган «тажовузларга ҳар қандай зарур воситалар билан, шу жумладан ҳарбий куч қўлланиш билан» зарба уришга «аҳд қилганлиги» ҳақида сафсата сотди. «Ғарб ўзининг стратегик манфаатларига хавф тутилган ҳамма жойда шу манфаатларини ҳимоя қилиш лозим», деб таъкидлаган президент Американинг иттифоқчиларидан ҳам АҚШнинг жаҳон миқёсидаги ҳарбий экспансиясида фаол қатнашишни талаб қилди.

Хўш, Қўшма Штатларнинг манфаатларига хавф солиняптими? Аксинча, дунёнинг ҳамма районларига Америка қўшинлари жойлаштириб қўйилган. Кўпгина давлатлар Америка ҳарбий базалари билан занжирдек қуршаб олинган. Бунинг устига, ўзга ерлардаги, жумладан, Яқин Шарқдаги, Форс кўрфазидаги ва Ҳинд океанидаги Америка ҳарбий кучларининг миқёси кун сайин ортиб бормоқда. СССР ва унинг иттифоқчиларининг хавфсизлиги тўғрисида гап борган жойларда Қўшма Штатлар қуролланиш пойгасини кучайтириш, ҳарбий базалар тузиш ва Америка ҳарбий кучларини кўпайтириш йўли билан кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартиришга ўтаётганлиги президентнинг нутқидан мутлақо равшан кўриниб турибди. Совет флоти АҚШ соҳилларига яқинлаштириб қўйилгани йўқ, балки, аксинча, ядро қуроли билан таъминланган самолётлар жойланган Америка ҳарбий денгиз кучларининг катта бўлинмаси СССРнинг жанубий чегараларига яқин жойлашган Форс кўрфазига ва Ҳинд океанига юбориб қўйилдику, ахир.

Ж. Картер гўё Совет Иттифоқи билан муносабатлардаги кескинликни юмшатиш «бизнинг мақсадимиз бўлиб қолаверади» деб ишонтирмоқчи бўлди. Айни вақтда у Вашингтоннинг АҚШ ва НАТО ҳарбий қудратини янада кучайтириш йўли ҳозирги маъмурият сиёсатининг энг муҳим элементи бўлиб қолади, деб таъкидлади.

Ж. Картер нутқида ҳозирги босқичдаги Совет —Америка муносабатларига берилган анализнинг ўзи ҳам Афғонистондаги воқеаларни сохталаштириб тасвирлаш асосига қурилган. Ҳолбуки, Совет Иттифоқининг ташқи агрессияни даф қилишда афғон халқига ўз вақтида берган ёрдами бу мамлакатни Америка империализмининг Советларга қарши ҳарбий майдонига айлантириш режаларини барбод қилди.

Картер сафсатабозлик қилиб, Совет Иттифоқи «ўзининг ҳатти-ҳаракатини ўзгартирса», «муносабатларни яхшилаш йўли очилади», деган масалани ўртага қўяди. Аммо президентдан, Қўшма Штатлар ва унинг шериклари афғон халқига ва АДРнинг қонуний ҳукуматига қарши эълон қилинмаган урушни қачон тўхтатадилар, суверен давлатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатига қачон чек қўядилар? — деб сўраш ўринлидир.

Президент гўё «Қўшма Штатлар ривожланаётган мамлакатларнинг қўшилмасликка қаратилган ҳақиқий йўлни ўтказишларини ҳурмат қилади» деб ишонтирмоқчи бўладию, айни вақтда Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатларига нисбатан бир вақтлар қўшилмаслик сиёсатини «ахлоқсизлик» деб атаган жон Фостер Даллес ўтказган сиёсатнинг ўзини тарғиб қилмоқда.

Яқинда қўшилмаган Эрон территориясига қилинган ва маглубиятга учраган қуролли босқинни Картер «раҳмдиллик миссияси» деб атайди. У янада кенг миқёсдаги интервенция эҳтимолига шама қилиб «мамлакатнинг бутунлиги ва мустақиллиги зарар кўриши мумкин» деб эрон раҳбарларига ошкора дағдаға қиладиё..

Умуман президентнинг нутқи Совет Иттифоқига душманлик хуружлари ва ҳуч сафсаталар билан тўлиб-тошган. Чамаси, бу нарса, айниқса, сайлов олди йилида президент ҳамда унинг Оқ уйдаги маслаҳатчиларидан бири СССРга ва бошқа социалистик давлатларга нисбатан ўтказишга уринаётган йўли бўлиб қолди. Картернинг нутқида ўша маслаҳатчи «новаторларча фикрлайдиган агрессив ёрдамчи» деб таърифланди.

Аммо нормал муносабатлар ўрнатиш учун сафсатабозлик усуллари эмас, балки сергак ёндашиш, ошкора ва ҳалол мулоқот керак бўлади.

(ТАСС).

ҚАРДОШЛАРИМИЗ КЎРСАТАДИ

«Ёшлик» Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали — Тошкент-80

Уч қитъа кинокўригида қардошларимиз кўрсатадиган фильмлар аниқ бўлди. Масалан, **ТУРКМАНИСТОН** кинематографчилари «Қудуқ қазувчилар» бадиий фильмини намойиш этишади. Мазкур картинани шу вақтга қадар ажойиб образлари билан кино мухлисларидиққат-эътиборини тортган актёр Бобо Аннаев раҳбарлигидаги ижодий группа экранлаштирган.

— Бу менинг биринчи режиссёрлик ишим, — дейди Б. Аннаев. — Асар Улуғ Ватан уруши йилларида ҳамқишлоқларим бошидан кечирган оғир кунлар ҳақида ҳикоя қилади. Унда соф севги-муҳаббат, меҳнат, гўзаллик тўғрисида ҳам мулоҳаза юритилган. Фильм сюжети ғуличалик мураккаб эмас: табиий офат — сел қудуқнинг ишлашини издан чиқаради. Қудуқ атроф-далани сув билан таъминлаб турган ягона манба эди. Энди бош кўтараётган буғдой офтоб тафтига дош беролмай, қовжираб қолиши аниқ?! Буни яхши англаган чоллар, аёллар ўз вақтида ишга киришадилар. Шундай қилиб, фронтга кетган эркаклар ўрнини билинтирмасликка аҳд қилган ажойиб чоллар ва аёлларимиз жонбозлиги туфайли қудуқ янгидан бунёд этилади. Ўша йили колхозчилар ердан яхшигина ҳосил олиб, совет жангчиларига нон, ун юборишади. Мана шу оддий факт мисолида Улуғ Ватан уруши йилларидаги халқ ва армия бирлигининг буюк қудратини кўрсатишни мақсад қилганмиз.

«Қудуқ қазувчилар» фильмидаги асосий ролларни тажрибали санъаткорлар қаторида ёшлар ҳам ижро этишган. Масалан, Марал образини М. Горький номидаги Туркманистон давлат университетининг студенти Эльвира Қулиева, Мардани эса Карим Аннаев яратган. Э. Қулиева томошабинларга «Кўҳитанг фожиаси» картинаси орқали яхши таниш.

АРМАНИСТОН кинематографчиларининг фестиваль программасига тавсия этган фильми «Кўп яшанг» деб аталади. Тўла метражли, рангли бу бадиий фильм воқеалари шу кунларда бўлиб ўтади. Унда ҳозирги турмушимизда учраб турадиган типик ҳодисалар, оилавий проблемалар ўзига хос ҳажвий планда кўрсатилади. Картина сценарийсини Шаген Татикян ва Фрунзе Давлатян ҳамкорликда ёзишган. Режиссёр — Фрунзе Давлатян. Кино санъати мухлислари бу режиссёрни азалдан яхши билишади. Унинг ижодига мансуб асарларининг қайси бирини олмайлик, улар хоҳ ўтмиш, хоҳ бугунги кунимиз мавзусида ишланган бўлмасин, барчасида ҳаётимизнинг актив ритми, руҳи ранго-ранг бўёқларда, эмоционал образлар, қаҳрамонларнинг психологик кечинмалари орқали тиниқ ва равшан ифода этилган. Режиссёр фильм устида ишлар экан, турмушимизнинг актуал проблемаларига ўзига хос муносабат билдиради, ўша проблемаларнинг эртанги кунги аҳамиятини кўрсатиб беришга интилади. Ф. Давлатяннинг худди шундай ижод, интилиш самараси бўлган «Салом, бу мен» фильми томошабинлар ўртасида маълум ва машҳур. Асарга Арманистон ССР Давлат мукофоти берилган.

«Кўп яшанг» фильмидаги асосий ролни РСФСР халқ артисти, машҳур киноактёр Армен Жигарханян ўйнайди.

ҚИРҒИЗИСТОНЛИК киночилар Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган ҳамкасбларни эътиборига «Суд жараёни» бадиий фильмини ҳавола этишга қарор қилишди. Картинада ҳуқуқшуносларнинг сермашаққат, лекин шарафли иши ҳақида ҳикоя қилинади. Иш адвокат Асқарга магазинни ўғирлашда айбланган ва барча далиллар унга қарши бўлган бир кишини ҳимоя этиш вазифаси топширилади. Ўз ҳимоясидаги одамнинг бегуноҳлигини ҳис қилган адвокат унинг бу жиноятга алоқаси йўқлигини исбот қилади. Тез орада ҳақиқий жиноятчи қўлга олинади...

«Суд жараёни» фильми сценарийсининг авторлари— Михаил Папава ва Михаил Каневский. Асосий ролларни Оман Қамчибеков, Ғулижон Ниёзбердиева, Турсун Темирқуловлар ижро этишади.

ҚОЗОҒИСТОНЛИК санъаткор қардошларимиз Тошкент халқаро экранида намойиш этадиган фильм саргузашт жанрида яратилган бўлиб, ранг-баранг, оригинал воқеалари, кучли, ёркин характерлари билан томошабин қалбини тўлқинлантиради. Йигирманчи йиллар. Бепоён қозоқ даштн. Бу ерда ҳукм сурган сўқиниликда қандайдир таҳлика, бесаранжомлик сезилиб туради. Ҳақиқатан ҳам тўлда атаман Қудра тўдаси изғиб юрарди. Қизил командир Ҳамид махсус топшириқ билан бу ерга келади. Ҳамид — жиддий, мулоҳазали, ўз ишига содиқ жангчи. Унинг рақиби Қудра эса, айёр, қўлга тушмас бир киши. Фильм давомида биз бу бир-бирига қарама-қарши икки шахс ўртасидаги тўқнашувнинг гувоҳи бўламиз. Бу тўқнашув икки одам курашуви эмас, балки, икки дунё тўқнашуви эди. Картинада худди шу фикрни бўрттириб кўрсатишга астойдил ҳаракат қилинган. «Даштдаги олишув» деб аталган, таниқли режиссёр Абдулла Қарсанбоев раҳбарлигида суратга олинган мазкур фильмнинг хорижий томошабинларга ҳам манзур бўлиши турган гап.

Ишончимиз комилки, уч қитъа кинофестивалида қардошларимиз намойиш этадиган юқоридаги фильмлар анжуманнинг расмий қатнашчиларида ҳам, меҳмонларида ҳам, мезбонларда ҳам илиқ таассурот қолдиради.

Ш. ҲИДОЯТОВ,



Объективда — Вьетнам. Суратда: Халонг кўрфази.

Б. Кавашкин фотоси. (ТАСС).

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҚУЙЧИСИ

Рассомлар ҳақида ҳикоялар

Инсон ва дунё ҳақидаги ўйлар бадиий образлар тўлқинида турланар экан, ҳар бир асарда ижодкор қалби, шуури ва олам фаҳми нур сочади. Ҳақиқий бадиият намунаси худди ерга қўнган қуёш янглиг оламга ҳам нур, ҳам илиқлик тарқатади. Файзли ва оромбахш бадиий лаззат замирида санъаткорнинг бетиним қалб тугёнлари, тафаккур қудрати, туйғулар тафти яширинган. Зеро, ҳақиқий санъаткорнинг ижодини унинг шахсидан ажратиб бўлмайди.

Ўзбекистон халқ рассоми, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Абдулҳак Абдуллаев ана шундай санъаткорлардан биридир. Абдулхак Абдуллаев Ўзбекистондагина эмас, балки Бутуниттифоқ миқёсида психологик портрет устаси сифатида танилган. Унинг асарлари республикамиз нафис санъати тараққиётидан намуна сифатида Москвадаги жаҳонга машҳур Третьяков галереяси, Шарқ халқлари санъати музейи залларида томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Рассомлар союзи кўргазмалар залида рассомнинг шахсий кўргазмаси очилди. Бу ерда томошабинлар фақат рассом қаҳрамонларининг расмини кўрибгина қолмай, балки уларнинг ўзлари билан ҳам юзма-юз учрашиб, суҳбат қилишга муяссар бўлдилар. Портретларда акс эттирилган машҳур адабиёт ва санъат арбобларининг аксарияти бу кун нафосат қошонасига ташриф буюришган эди.

«Маънавий олам намояндалари образини яратиш ниҳоятда қийин вазифа. Бу рассомдан катта журъат талаб этади. Портрет қишига ўхшашидан ташқари, мазкур шахснинг характери, ички дунёси, кечинмалар, орзулар йўналиши, фикр доирасини ҳам ифода этиши керак. Бундан ташқари бадиий асарда рассомнинг инсон ҳақидаги тасаввури, идеали ҳам акс этади. Тасвирий санъатнинг энг мураккаб жанри ҳисобланган портрет асарларининг бирдан-бир вазифаси ҳам янги инсонни кашф этиш, ҳар даврнинг ўз қаҳрамонларини гавдалантиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, Абдулҳак Абдуллаев яратган портрет санъатини ўзбек зиёлиларининг тарихий тараққиёт жараёнидаги маънавий юксалиш йилномаси деб ҳисоблаш мумкин. Рассомнинг баркамол асарлари айрим шахсларнинг шунчаки индивидуал қиёфаси эмас, балки умумлашма маъно ва юксак идеаллар ифодаси сифатида диққатимизни ўзига жалб этади.

Абдулҳак Абдуллаевнинг 1949 йили яратган «Назарали Ниёзов портрети» жуда кўп мамлакатлардаги кўргазмаларда намойиш этилган. Академик рассом С. А. Чуйковнинг эслашича, халқ образини ўзида мужассамлаштирган бу асар Ҳиндистон томошабинларини ниҳоятда ҳайратга солган. Томошабин қалбини ларзага солиш учун рассомнинг ўзи аввало шундай дақиқаларни бошидан кечириши керак.

Портрет санъатини инсонга, унинг маънавий ва жисмоний гўзаллигига таҳсин изҳор этишнинг шаклларидан бири деб тушунган А. Абдуллаев «Истеъдод эгаларини мен ҳамиша қалбимда ардоқлаб, уларга доимо ҳайрат билан боқиб келганман. Бу қадар зўр иқтидор истеъдоднинг сири нимада эканлигини айтиб беришдан ҳануз ожизман. Мана шу иқтидор-иқбол, камоли гўзал нарсаларга бўлган иштиёқим оқибатда мени санъатнинг гирдобига тортган бўлса ажаб эмас» дейди.

Рассомнинг инсон даҳоси қаршисида чуқур ҳайрат ва миннатдорлик билан бош эгиши натижасида унинг қатор портрет асарлари пайдо бўлдики, бу полотнолар ўзбек тасвирий санъати тарихида портрет бўйича «Абдулҳак Абдуллаев мактаби»ни ташкил этади.

Абдулҳак Абдуллаевнинг ижодини шартли равишда тўрт даврга ажратиш мумкин. Биринчи давр Отелло ролидаги Аброр Ҳидоятов портрети, Маннон Уйғур портретларини ўз ичига олади. Иккинчи давр 50-йилларда яратилган Ойбек, Қори Ниёзий, Назарали Ниёзов портретлари, «Шомаҳмудов оиласи», «Она портрети» билан характерланади. Бу асарларида рассом романтик улуғворлик билан инсон «драмасининг бутун даҳшати ва нурли чўққиси яққол намоён бўладиган ифқларини» ифода қила олиш салоҳиятини намойиш этди. Ниҳоят, 60-йилларда унинг «Шаҳло», «Драматург К. Яшин», «Буви ва набира» каби бадиий жиҳатдан баркамол асарлари пайдо бўлди. Рассом ижодининг тўртинчи даврини Алишер Навоий сиймосига бағишланган қатор портретлар, «Ер фарзанлари», «Сомбреро кийимидаги автопортрет» ва «Академик Е. Тўрақулов портрети» белгилайди.

Устод санъаткорнинг ўз даврида воқеа бўлган ва республика тасвирий санъати камолотидан далолат берган айрим асарларинигина тилга олдик. А. Абдуллаев 40 йилдан зиёд тинимсиз ижод бағрида республикамиз машҳур кишилари портрети галереясини яратди. Улар орасида Фурқат, Ҳамза, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Қори Ниёзий, Ҳабибий, С. Бородин, М. Шайхзода, Уста Ширин Муродов, Мамажон ота Тошматов, К. Ерматов, Ўйғун, И. Султон, Н. Сафаров, С. Азимов, М. Бобоев, Л. Саримсоқова, С. Эшонтўраева, Ш. Шомуҳамедов, Шуҳрат, Н. Рахим, С. Аҳмад, Шукрулло, Т. Тўла, М. Қўшжонов, А. Ҳайитметов, Илёс Акбаров портретлари бор.

А. Абдуллаевнинг автопортретлари эса рассом ижодининг алоҳида йўналишини ташкил этади. Автопортретлар фақат санъаткорнинг ҳаётий ва ижодий тараққиётининг белгиси бўлиб қолмай, ҳаёт ва инсон ҳақидаги тушунчаларнинг тасвирий рамзи сифатида ҳам қадрлидир. А. Абдуллаев ҳар бир автопортретда янги тасвирий вазифани ҳал қилишдан ташқари, инсон ҳақида янги гап айтишга, кишиларнинг дунё ва одамлар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Агар рассом ҳаётга бунчалик улкан муҳаббат ва иштиёқ билан қарамаганда, одамларга ҳайратланиб боқмаганда, қатор автопортретлар ишлаб инсон руҳида содир бўладиган сирли тўлқинларни ҳис қилмаганда юқорида эслатилган, тасвирий санъатимиз кўрки ҳисобланган асарлар ярата олмас эди. Масалан, Ойбек билан Уста Ширин Муродов портретларида икки алломанинг кўз тузилишлари ва қарашларига эътибор берсак, рассомнинг нақадар ўткир нигоҳи ва идроки санъаткор эканлигига қойил қоламиз. Бу ҳақда рассомнинг ўзи бундай деган эди: «Дунёда ҳеч бир нарса бизнинг руҳимизга инсон кўзларининг ўткир нигоҳидек кучли таъсир қилмайди. Мен кўзни инсон виждонининг ойнаси ва инсофу покизалигининг посбони деб атардим. Мен портретини чизган одамлар орасида Уста Ширин Муродовнинг кўзлари гоят ўзгача ва ҳикматвор эди. Диққат қилсангиз, унинг юмуқираган кўзларида сокин бир ҳазинлик, кабиронга хорғинлик акс этаётганини кўрасиз. Бўлик ва тамғин қабоқлари устидаги керилиб турган қошлари чеҳрасига ҳасратомуз улуғвор ифода бахш этган. Шу жиҳатдан мен ёзувчи Ойбекнинг сер ифода кўзларида ҳам бутунлай бошқа маъно ўқидим. Унинг чақнаб турган чағир кўзлари кишини ғулғулага солгудек ўткир боқади».

Бундай тийрак ва тийран қарашлар рассомнинг автопортретларида ҳам мавжуд, гўё рассом томошабин виждонига боқиб турғандай, унга савол ташлаётгандай бўлади.

Бундай чуқурлик, кенглик ва улуғворликни ўйлаш ва қуйлаш учун рассомнинг олам фаҳми ҳам шунчалик кенг ва чуқур бўлиши керак. Абдулҳақ Абдуллаев бу жиҳатдан ҳам ибратли санъаткор. У санъатга, одамларга муносабатда қанчалик инжиқ табиатли ва талабчан бўлса, ўзига ҳам шунчалик талабчан ва узлуксиз меҳнат ва изланишда. У Аристотель ва Демокрит, Бэкон ва Гельвеций, Белинский ва Чернишевский, Добролюбов ва Писарев, А. Навоий ва Пушкин, Достоевский ва Толстой асарларини мунтазам мутолаа қилади, ўрганади, ўзи ҳам санъат ва эстетика бўйича қалам тебратади, лекциялар ўқийди.

Абдулҳақ Абдуллаевнинг айтишича, «Ўтмишнинг барча улуғ кишилари ўзларининг санъат, шеърият ва фалсафага буюк муҳаббатлари туфайлигина ана шундай юксак мартабага эришганлар. Инсон даҳосига хос мана шу уч негиз бўлмаса, буюк кишилар тафаккури шу қадар юксак парвоз қилолмаган, дунёни забт этолмаган бўлур эди».

Абдулҳақ аканинг ўзи ана шу уч негизга содиқ бўлгани учун замондошлар сиймосини келажак авлодлар маънавиятига, идрокига тил ва дил меҳри билан ҳам ардоқлаб қолдирмоқда.

Т. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Рассомлар союзи правленеси раёсининг ўринбосари, фалсафа фанлари кандидати.

Суратда: Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Шомаҳмудов оиласи» картинаси ёнида.

СПОРТ

ВЕЛОПОЙГА:

ШОҲИДНИНГ КЎК МАЙКАСИ

Буюк Ғалаба куни Польша пойтахтида анъанавий кўпкунлик жаҳон велосипед пойгаси бошланди. 33-марта ўтказилаётган пойгада жами 2040 километр йўл босиш кўзда тутилган. Пойга Польша, ГДР ва Чехословакия йўллари бўйлаб давом этади ва 24 май куни Прагада ғолиб аниқланади. Ўн беш мамлакат вакили куч синашаётган пойганинг бошламаси Варшава кўчалари бўйлаб ўтказилди. 7 километрли йўлни совет спортчиси Ю. Баринов биринчи бўлиб босди. Мусобақада республикамиз вакили олмалиқлик халқаро классли спорт мастери Шоҳид Загретдинов ҳам иштирок этяпти. Биринчи марта йирик мусобақада баҳслашаётган Шоҳид мутахассислар эътиборини қозонди. У дастлабки пойгада фаоллик кўрсатганлиги учун велосипедчиларга берилади-ган кўк майкани кийишга муяссар бўлди. Биринчи босқич пойгаси Вроцлав шаҳри атрофида давом этди. Пойгачилар 157 километр йўл босишди. Бу сафар ҳам Загретдинов ўзини кўрсатди. У О. Людвиг (ГДР) билан маррага баравар етиб келди. Ғолиблар марра чизиғини бир-бирларидан ажратиб бўлмайдиган тарзда босиб ўтдилар. Людвиг уч соат 39 минут 31 секунд натижа кўрсатган бўлса, Шоҳид ундан бор-йўғи икки дақиқа орқада қолди. Д. Перони (Италия) учинчи ўринни олди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган Ш. Загретдинов яна маҳорат кўрсатади деган умиддамиз. Олдинда эса ўн битта босқич турибди.

БОКС:

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСДА

Ростов-Дон шаҳрида чарм қўлқоп усталарининг мамлакат чемпионати якунланди. Мусобақада республикамизнинг етти нафар боксчиси иштирок этди. Шулардан фақат 81 килограмм вазнли Владимир Шин курашни финалгача давом эттирди. Владимир В. Айвазян, А. Янчаускис ҳамда И. Новиковлардан устун келиб, ҳал қилувчи баҳсда грузин боксчиси Д. Квачадзе билан рингга чиқди. Ўзининг 200-учрашувини ўтказган Владимир уч раунд давомида бўш келмай ҳужумкорликка зўр берди. Оралиқ маррани сақлашга ҳаракат қилиб, аниқ зарбалар билан очко тўплай бошлади. Лекин яқин масофадан рақибига ҳужум қилиш ҳамда ҳимояланишда бироз сусткашликка йўл қўйди. Оқибатда Владимирнинг ҳужумларига сабр-бардош билан туриб берган ва ўзини усталик билан ҳимоя қила олган Д. Квачадзе 3:2 ҳисобида ғалабага эришиб, мамлакат чемпиони бўлди.

САМБО:

ГАЗЕТА СОВРИНДОРЛАРИ

Республика пойтахтида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари соврини учун ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси тугади. Самбочилар курашида қирққа яқин команданинг 200 дан зиёд вакили ўзаро куч синашди. Беллашувда вазнларига кўра қуйидаги спортчилар совриндор бўлишди: тошкентликлар — К. Иботуллин, С. Умаров, О. Моторин, К. Ибраилов, Б. Зиёев, красноярсклик Н. Николаенко, жиззахлик В. Белобров, москвалик С. Борозиков билан И. Смирнов, термизлик Т. Дурдиев.

ФУТБОЛ:

МАВҚЕ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий лига командаларининг 7-тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Черноморец»—«Шахтёр»— 1:1, «Карпат» — «Динамо» (К) — 2:4, «Зенит» — «Кубань» — 2:0, «Динамо» (М) — «Динамо» (Мн) — 1:1, «Спартак» — «Қайрат» — 3:0, СКА —«Нефтчи» — 3:0, «Динамо» (Тб) — ЦСКА — 2:0, «Локомотив» — «Пахтакор» — 0:1, «Торпедо» — «Арарат» 0:0. Ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олди:

	Ю	Д	М	Т	О
Спартак	4	2	1	10-2	10
Динамо К	4	2	1	15-8	10
Зенит	4	2	1	10-5	10
Динамо Тб	3	3	1	9-4	9
Пахтакор	3	2	2	9-6	8
Динамо М	3	2	2	7-6	8
Динамо Мн	2	4	1	9-5	8
СКА	2	4	1	8-6	8
Арарат	2	4	1	7-6	8
Шахтёр	2	3	2	10-9	7
Локомотив	2	3	2	8-7	7
Торпедо	2	2	3	3-5	6
Черноморец	1	4	2	3-5	6
ЦСКА	2	1	4	5-12	5
Қайрат	1	3	3	7-12	5
Карпат	1	2	4	5-13	4
Кубань	0	4	3	3-7	4
Нефтчи	0	3	4	3-12	3

«ОЛИМПИАДА-80» НОМИ БЕРИЛДИ

Андижон районидаги Ленин номли совхоз коллективи адир бағридан 380 гектар ер очиб, янги бўлим ташкил этди. Абдуллажон Болтабоев бошқарувчилик қилаётган бу бўлимга «Олимпиада-80» номи бериш учун рухсатнома сўраб Москвага хат йўлланган эди.

Яқинда Москва Олимпиадасини ўтказиш ташкилий комитетининг масъул секретари Н. И. Любомировдан Ленин номли совхозга қуйидаги мазмунда жавоб хати келди:

«Ҳурматли ўртоқ Болтабоев!

Москва Олимпиадаси мусобақаси билан В. И. Ленин номли совхоз меҳнаткашлари томонидан бошланган ташаббус бизни ғоят қувонтирди. Олимпиадачиларимизнинг юксак ишончларингизни шараф билан оқлашларига ишонамиз.

Совхознинг «Олимпиада-80» бўлими меҳнаткашларига қизғин салом йўллаймиз. Ишларингизда муваффақиятлар ҳамиша ёр бўлсин!»

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Атлантлар ва қариятидлар. Бадиий фильм, 1-серия. 11.30 — Ҳайвонот оламида. 12.30 — Молдавия ССР Царулъ қишлоғи агрономлик қишлоқ хўжалик техникуми маданият саройи бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. Концерт тугагач янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Моҳир қўллар. 16.55— Орлёнок. 17.40 — Ильичнинг жонли сўзи. 18.25 — Халқ ижодиёти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Атлантлар ва қариятидлар. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Москва юлдузлари. Санъат фестивалининг якунловчи концерти. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I-

18.20 — Мультфильм. 18.30 — До-ре-ми-фа-соль. 19.00 — Зангори экран почтаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Усмон Юсупов туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.15 — Дарахтлар катта эди.

II-

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ким бўлсам экан. 20.55 — Физика. 21.55 — Эстетика асослари. 22.35 — Спектакль.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Композитор И. Акбаров қўшиқлари. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Чорвачилик комплекслари — давр талаби. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Республиканинг пешқадам хўжаликларида. 18.50 — «Ёшлик». 19.45 — Най наволари. 20.25 — «Наво» вокал-чолғу ансамбли куйлайди. 20.50— Варшава Шартномаси — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари эришган ютуқларининг мустаҳкам таянчи. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Қўшиқлар оқшоми. 23.20 — Дам олиш концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/V да **Уйланиш**, 14/V да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/V да **Олтин камар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кўзга кўринмас одам» фантастик-саргузаштли аттракционининг гастроллари** (19.30)

●

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

ЎРТА ОСИЕ ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

энтомофагларни урчитиш: мудир ва кичик илмий ходимлар;

гўзанинг зараркунандаларига қарши чидамлилиги: ҳашаротлар физиологияси ва биокимёси: сектор мудири, катта ва кичик илмий ходимлар;

фитопатология ва микология, гербицидлар, экология ва прогнозлар, биология, иммунитет: катта илмий ходимлар;

ем-хашак ва озуқа экинларининг зараркунандалари: катта ва кичик илмий ходимлар;

экономика ва механизация, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашишнинг биологик методи: кичик илмий ходимлар:

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари қатнашишлари мумкин:

Мурожаат учун адрес: 702152, Тошкент область, Оҳангаронидаги райони, Институт алоқа бўлими.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш, қурилиш материаллари ва ишлари, сув хўжалигини ташкил этиш ва унинг экономикаси, тайёрлов бўлимида чет эллик ўқувчилар билан ишлаш учун рус тили (профессорлар ёки доцентлар);

кафедра доцентлари: қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиш педагогикаси ва методикаси, машина деталлари;

кафедра катта ўқитувчиси: чет эллик ўқувчилар билан тайёрлов бўлимида ишлаш учун чизмачилик.

КОНКУРС МУДДАТИ — 5 ИЮНГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи институтнинг илмий ходими

Шарофат НУЪМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети журналистика факультетининг партия ва касаба союз ташкилотлари партия-совет матбуоти назарияси ва практикаси кафедрасининг доценти М. Худойқуловга онаси

Сорабиби АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ФИРИБГАРЛАР КОНКУРСИ

ФЕЛЬЕТОН

У врач бўлишга қатъий қарор қилди. Шу сабабли ўрта мактабни тугатиши биланоқ Андижон медицина институтига ҳужжат топширди. Бироқ, уйдаги гап кўчага тўғри келмади, имтиҳонлардан ўтолмай қолди. Энди нима қилсин? Яна бир йил кутадими? Кутгани билан келгуси йилда ҳам институтга кира олишига ишончи бўлмаса-чи? Наҳотки бирон чора топилмаса?

Эрка ўғил ташвишида юрган ота-она оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолди. Йўл, чора қидиришди, Улар учун ўнгай йўл — Эрнестни бир илож қилиб институтнинг тайёрлов бўлимига киритиш эди. Аммо бу ерда ҳам талай қийинчиликлар бор экан.

— Тайёрлов бўлимига кириш учун бир йиллик иш стажи талаб қилинади, қоларверса бирон колхоз ёки корхонадан характеристика ва йўлланма ҳам зарур бўлади, — дейишди институтдагилар.

Ота-она югуриб-елиб бунинг иложини топишди. Эрнестни Андижон медицина институтининг тайёрлов бўлимига жойлаштириб кўйишди.

Бу қанақаси, тартиб бўйича иш стажи бўлмаган ўқувчилар тайёрлов бўлимига қабул қилинмасди-ку?! Одамлар ҳайратдан ёқа ушлашди:

— Ошна-оғайнигарчилик қилишдимикин? Ё бировларни ўртага қўйишдимикин?

Хўжаободда ана шундай «миш-миш»лару тахминлар кўпайиб кетди. Институт шаънига ноўрин таъна тошлари ёғилди. Лекин Мустафоевлар оиласи анойилардан эмасди, чурк этишмади, «сир» сирлигича қолди.

Эрнест Мустафоев оғзи қулоғига етиб севинди. Ўзини кўйгани жой тополмади. Институт қабул комиссиясини алдай олганидан боши осмонга етди. Орзуси ушала бошлади. Ҳаш-паш дегунча тайёрлов бўлимини битирди. 1979 йилнинг 17 июлида институтнинг педиатрия факультетига студент қилиб қабул қилинди.

Бу гап, айниқса, ўғил-қизи институтларга киролмай юрган ота-оналар орасида кенг тарқалди. Ҳамма воқеани билишга қизиқарди. Воқеа эса аслида бундай бўлган эди: Мустафоев медицина институтига киролмаганидан кейин Хўжаобод район марказидаги собиқ саккиз йиллик 28-мактабнинг директори Аъзам Ҳосиловга йўлиқди.

— Институтга киролмадингми-а? — деди А. Ҳосилов ачиниб. — Хафа бўлма, бу йил бўлмаса, яғаги йили, албатта, кирасан.

— Бир йил кутишга тоқат борми, домлажон, — Эрнест директорнинг қинжига кирди. — Билганларим ҳам эсимдан чиқиб кетади-ку. Менга фақат сиз ёрдам бера оласиз.

— Нималар деяпсан, аниқроқ гапир.

— Битта аттестатнинг иложини қилинг, жон домлажон.

— Аттестатинг бор-ку?

— Тайёрлов бўлимига бир йиллик иш стажига эга бўлган ўқувчиларни қабул қилишаркан. Мен эса ўнинчини бу йил, яъни 1978 йилда битирдим.

— Нима қил дейсан?

— «Бўлтур битирди» деб янги аттестат ёзиб берасиз.

Ҳосиловнинг хотамтойлиги кўзиб кетди. Темир саидгида «яхши ният» билан битта яп-янги аттестатни сақлаб юрарди. У аслида Нишонбой Отабоев деганнинг эди. Мактаб қошидаги кечки синфни битириб аттестатини вақтида ололмаганди.

Ҳосилов директор бўлган мактабнинг муҳри бўлмагани учун қадрсиз — 1-мактаб директори Расул Йўлдошев-дан муҳрни сўраб олиб, тўлдирмай асраб қўйган Б-350261 номерли бояги аттестатга босли-да, бошқа ўқитувчилар учун ҳам унинг ўзи ўнг қўл, чап қўл қилиб имзо чекди.

Шундай қилиб Эрнест Мустафоев етмиш еттинчи йилда 1-ўрта мактабни, бир йилдан кейин эса 2-ўрта мактабни «битириб чиқди». Иккита аттестатли бўлди. Энди иккинчи йўл — бирор хўжаликдан сохта меҳнат дафтарчаси билан йўлланма олиш иложини қидириши қолганди.

— Ғам ема, ўғлим, — деди Ёқуб ака.— Бу ёғи осон. Ошна-оғайнилар омон бўлса, справка дейсанми, меҳнат дафтарчаси дейсанми, топамиз!

Ёқуб ака район марказидаги ҳовлисидан ўғлини етаклаб собиқ Куйбишев номли колхозга (ҳозир совхоз) йўл олди. Колхоз раиси Абдуғани Абдуҳоликов ота-болани илиқ кутиб олди.

— Ўғлимнинг ташвиши билан келдик, раис, — деди Ёқуб Мустафоев. — Бир укалик қилиб юборасиз-да.

— Жоним билан, — деди раис. — Биздан нима кетади, битта имзо билан юмалоқ муҳр-да. Ўғлингиз институтга кириб олса бўлгани..

А. Абдуҳоликов колхоз касаба союз ташкилотининг раиси Сайдолим Умаров билан колхоз комсомол комитетининг секретари Шермирза Ҳамидовни чақиртирди-да:

— Манави йигитча медицина институтига кирмоқчи экан. Колхозда бир йил жон қуйдириб, қаттиқ ишлади, биз унинг келажакда яхши врач бўлишига ишонамиз, қобилияти зўр, деб битта характеристика ёзиб беринглар. Ярим соатда тайёр бўлсин, — деб тайинлади.

— Бу йигит қишлоғимизда яшамаса, колхозда ишламаган бўлса, кейин сиримиз очилиб, шарманда бўлиб қолмаймизми?

— У ёғи билан ишингиз бўлмасин. Институтдан келиб суриштириб ўтиришармиди?

Салдан кейин ишлаб чиқариш характеристикаси тайёр бўлди. Колхоз раиси аввал ўзи кўл кўйди. Кейин когозни Ш. Ҳамидов билан С. Умаровнинг олдига сурди. Имзо чекилди, муҳр босилди.

Ёқуб Мустафоев иргиб ўрнидан туриб раисга таъзим қилди:

— Савоб иш қилдингиз, раис. Агар ўғлим институтга кириб олса, бир умр хизматингизда бўламан...

Бу ҳужжатлар Эрнест Мустафоевга институт эшикларини ланг очиб юборди. У тайёрлов курсини тугатди, биринчи курсга қабул қилинди. Институт талабаси бўлиб ялло қиладиган бўлди. Афсуски, ип ингичка жойидан узиларкан. Институт ректоратига кўпгина ота-оналардан аризалар тушди. Қил қиррқа бўлинди. Эрнест Мустафоевнинг аттестати қалбаки, колхоздан олган йўлланма билан характеристикаси сохта эканлиги ошкор бўлди. Унинг бошига «бахт қуши» қандай осон қўнган бўлса, шундай осон учиб кетди. Эрнест қалбаки ҳужжатларини қўлтиқлаб институт дарвозасидан битта-битта босиб чиқиб кетди.

Мана, қаллоблик, фирибгарлик кўчасига кирган кишининг аҳволи. У вақтдан ютаман, деб ўзи ютқазди. Институтни алдайман деб, ўзини алдади, шарманда бўлди. Бу масаланинг бир томони, холос. У институтга кираман деб, ота-онасини ҳам ерга қаратди. Бировга ёлғон яхшилик қиламан деган Аъзам Ҳосилов директорликдан бўшади. Бу иш шу билангина тинчиб кетса кошкийди. Мустафоевлар оиласининг чирмандасига ўйнаган, оқибатини ўйламай сохта ҳужжатлар ясаб берган ва ўз мансабини суиистеъмол қилган ҳотамтойлардан қонун ҳисоб сўрайди.

Масъулият ва жавобгарлик ҳиссини унутган бу ўртоқлар ўз ёғига ўзлари қовурилиб тура туришсин. Энди гапни Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозидан эшитинг. Бу хўжаликнинг раҳбарлари ҳам ёшларга жуда «ғамхўр». «меҳрибон» чиқиб қолишди. Улар институтларга киролмай юрган ўқувчиларга ёрдам тариқасида сохта ҳужжатлар бериш бўйича ўтказилган «очиқ конкурс»да «мукофотли» ўринни эгаллашди.

... Эрнест Мустафоев воқеасидан сўнг Андижон медицина институти ректорати студентларнинг «дело»ларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида буйруқ берди. Институт физиология кафедрасининг доценти Жўрахон Дадамирзаев шундай таклиф киритди:

— Даволаш факультетининг иккинчи курс студенти Маъмур Машраповнинг «дело»сини текшириб кўрайлик. Сабаби — бу студент жуда бўш ўқийди. Имтиҳонлардан ўтолмаяпти, қарзи кўп.

Текширишда М. Машрапов ҳам институтга тайёрлов бўлими орқали қалбаки ҳужжатлар — меҳнат дафтарчаси, йўлланма, ишлаб чиқариш характеристикаси билан кирганлиги фош бўлди. У ҳам бу ҳужжатларни Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозидан олибди. Ҳамма сохта ҳужжатда колхоз раиси У. Қозоқов, колхоз комсомол комитетининг секретари А. Қодиров, бош бухгалтер М. Ҳошимовнинг қўли бор. Аслида эса бу ҳужжатлар берилган маҳалда Маъмур Машрапов колхозда ишламаган.

Хўш, М. Машраповга сохта ҳужжатлар беришга колхоз раҳбарларини нима мажбур қилдийкин? Буни қандай баҳолаш мумкин? Э. Мустафоев, М. Машраповлар институт билан хайрлашдилар. Лекин уларни қалтис йўлдан қайтариш ўрнига ёлғон ҳужжатлар бериб, институт маъмуриятини чалғитган, давлатни алдаган кўзбўямачиларнинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш керак?

Ташкилот ва хўжалик муҳрлари — умумдавлат аҳамиятига эга. Агар уни ишонч бериб кўйилган раҳбар ўртоқлар ундан юқорида зикр қилингани сингари сохта ва номаълум ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланадиган бўлсалар, ўзлари раҳбар бўлган коллектив обрў-эътиборига сўзсиз путур етказадилар. Бундай ҳужжатларга имзо чекаётганда жавобгарлик масъулияти ҳамиша ёдда тутилса яхши бўларди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-63, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66, Нашриёт диспетчери — 32-78-94, Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01979. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 109. 10